

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ЭСАНОВ ЗАЙНИДДИН ХИДИРОВИЧ

**БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИДА ИҚТИСОДИЁТНИ
ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

5A231001 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик
(Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси мамлакатлари)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц.Эрмаматов Ш.Ж.

ТОШКЕНТ – 2014

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланганлиги ва унинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси жаҳон тажрибасини эътиборга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос ва мос йўлини танлаб, уни босқичма-босқич босқич амалга оширмоқда. Иқтисодий ислоҳотлар натижасида эришилган муваффақиятлар, туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, энг муҳими, ислоҳотларга бўлган ёндошув, айниқса, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олиниб, эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини кўяр эканмиз, «шок терапияси» деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик”¹. Оқибатда бундай ёндошув ўзини оқлади.

Шу билан бирга бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек модели жаҳон амалиётида тўпланган тажрибаларни ўрганишни, унинг салбий ва ижобий жиҳатларини аниқлаб, ижобий жиҳатларидан республикамиз шароитида қўллаш имкониятларини тадқиқ этишни кўзда тутди.

Шу нуқтаи назардан хорижий мамлакатларда, шу жумладан, узоқ даврдан буён модернизация жараёнларини амалга ошираётган ва бу соҳада муайян тажриба тўплаган Бирлашган Араб Амирликларида иқтисодиётни таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш жараёнларини ўрганиш, бу соҳада мазкур мамлакатлар ҳукумати томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар мажмуи моҳиятини тадқиқ этиш республикамиз

¹Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 7-б.

иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади ва мазкур ҳолат магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети.Тадқиқотнинг объекти БААда амалга оширилаётган диверсификация жараёнлари ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг предмети миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади жаҳон ҳўжалигида глобаллашув ва интеграция жараёнлари чуқурлашиб бораётган шароитда Бирлашган Араб Амирлигида иқтисодиётни диверсификациялаш йўналишларини таҳлилий ўрганиш асосида ушбу тажрибадан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- турли иқтисодий қарашларни умумлаштириш асосида “диверсификация” атамасининг моҳиятини ёритиб бериш;
- миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш;
- БААда миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш йўналишларини илмий асослаш;
- БААнинг географик таркибида юз бераётган ўзгаришлар ҳамда миллий иқтисодиётда алоҳида амирликларнинг тутган ўрни ва ролига баҳо бериш;
- Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш;

- миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш бўйича БАА тажрибасини ўрганиш ва унинг ижобий жиҳатларини Ўзбекистонда қўллаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

- турли иқтисодий қарашлар ва услубий ёндошувларни таҳлил қилиш асосида “диверсификациялаш” атамасининг моҳияти ёритиб берилди;

- миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш бўйича БАА тажрибасини ўрганиш ва унинг ижобий жиҳатларини Ўзбекистонда қўллаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Магистрлик диссертациясида диверсификация атамасининг моҳияти, ҳозирги замон глобаллашув шароитида миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш бўйича жаҳон тажрибаси, БААда миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш йўналишлари, БААда миллий иқтисодиётнинг минтақавий таркибида юз бераётган ўзгаришлар, Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар каби масалалар кўриб чиқилади.

Магистрлик диссертациясининг фарази шундан иборатки, миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ва пировард натижада аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига олиб келади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш ва модернизациялашнинг объектив зарурлиги, ўзгарувчан бозор муҳитида оқилона ривожланиш стратегиясини танлаш масалалари, шунингдек, мазкур жараённинг илмий-услубий жиҳатлари МДХ олимлари - Айвазян З., Алпатов А., Александрович Я.М., Астахов А., Бачурин А., Баев И.А., Биван А.А., Богданович В.В., Дерябина М., Евсеев

А., Заварзина Н., Логинов В., Кожин С.В., Крук М., Мицкевич В., Тутунджян А., Шимов В.Н. ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш, миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг илмий-услубий масалалари бўйича мамлакатимиз олимлари - Абдуғаниев А.А., Беркинов Б.Б., Саидова Г.К., Тўхлиев И.С., Холматов Н.Б., Яушев Р.И., Қодиров А.М., Ҳикматов О. ва бошқалар илмий тадқиқот олиб борганлар.

Форс Кўрфази араб мамлакатларида амалга оширилаётган диверсификация жараёнлари, уларнинг асосий йўналишлари, диверсификация жараёнларини амалга оширишда нефть омилининг тутган ўрни ва роли МДҲ мамлакатлари иқтисодчилари – И.А.Александров, Р.Н.Андреасян, А.Богатирев, А.М.Васильев, А.Г.Георгиев, В.В.Озолинг, М.Г.Закария, А.И.Яковлев, араб олимлари – Ал Башир, Файсал Сафиқ, Ал Шамри, Ал Салавий, Ал Жаҳрий, ўзбекистонлик олимлар – З.И Мунавваров, С.Иноғомов, М.Мирафзалов ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот давомида иқтисодий-статистик, тизимли таҳлил, таққослаш ва бошқа замонавий илмий ўрганиш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан Ўзбекистон иқтисодиёти таркибини диверсификациялаш билан боғлиқ янги лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Илмий ахборот, назарий хулоса ва амалий тавсиялардан иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертацияси таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

I БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРКИБИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялашнинг моҳияти ва объектив зарурлиги

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ассиметрик шакллари ҳисобланган ихтисослашув ва диверсификация жамият ривожланишининг турли босқичларида турли хил нисбатларда ишлаб чиқаришда қўлланилган. Диверсификация жараёнлари, айниқса, XX аср 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб юқори суръатларда ривожлана бошлади. Бунинг энг асосий сабабларидан бири шундан иборатки, бу даврда фан-техника тараққиётининг жадаллашуви корхоналар ва фирмалар ўртасидаги рақобат курашининг кескинлашувига олиб келди. Бунинг натижасида эса корхоналар томонидан олинадиган фойда меъёри нисбатан бараварлашди ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ихтисослашувга асосланган манбалари нисбатан ўз имкониятларини тугатди. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, диверсификация жараёнларини амалга ошириш зарурияти дастлаб микрокорхоналар, фирмалар ва компаниялар даражасида намоён бўлди. Айнан шу даврдан бошлаб диверсификациянинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти, мақсади ва йўналишлари иқтисодий адабиётларда ўрганила бошланди².

Бироқ бу пайтда диверсификация жараёнларининг ягона назарияси ишлаб чиқилмаган бўлиб, олимлар бу категорияни турли йўналишларда ва турли мазмунда ишлатиб келдилар. Умуман олганда, диверсификация кўпроқ микродаражада қўлланилиб, корхона ва фирмалар фаолиятининг

²Gort M. Diversification and integration in American industry.-Prinston, University Press, 1962, Yoshinara E., Sakuma A., Strategy of diversification in Japanese industry. - Tokyo, Nippon Keirai, 1979 ва бошқалар.

кенгайиши, товарлар ва хизматлар турларининг ошиши маъносида тушунилди.

Диверсификация кўп киррали, мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Уни амалга ошириш усуллари, механизми, мақсади ва вазифалари турличадир. Бу эса унинг иқтисодий мазмунини тўлиқ ифодалайдиган ягона таъриф беришни қийинлаштиради. Шундай булса-да, барча диверсификация жараёнларининг туб моҳияти бир хилдир. Корхоналар фаолияти иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техника шароитларининг кескин ўзгариши ташқи муҳитга, вазиятга мослашиш учун бошқаришга бўлган талабнинг ўзгаришига олиб келди. Жаҳон бозорларидаги кескин кураш, иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши ва техник тараққиётнинг сусайиши ишлаб чиқаришда туб ўзгаришларни амалга оширишни талаб қилди, чунки ишлаб чиқариш учун илғор техника ва технологияларни сотиб олишнинг ўзи етарли бўлмай қолди. Диверсификация капитал тўпланувининг кенг тарқалган шаклларида бирига айланиши кўп жиҳатдан айнан мана шу билан тушунтирилади.

Хўш, диверсификациянинг ўзи нима? Унинг моҳиятини белгилаб берувчи услубий ёндошув қандай? Унга берилган иқтисодий таърифлардаги асосий фарқлар нималардан иборат?

“Диверсификация” лотинча (*diversificatio*) сўздан олинган бўлиб, ўзгариш, ҳар хиллик, бирор нарсага кўп томонли, комбинациялашган, кўп тармоқли тус бериш каби маъноларни англатади³.

“Диверсификация” атамасига ғарб олимлари томонидан жуда кўп таърифлар берилган. Улар томонидан келтирилган таърифлар ишлаб чиқариш шароитларининг ўзгариши, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан такомиллашиб борди. Бир сўз билан айтганда диверсификацияга берилган таърифларда нафақат муайян тизим (система),

³ Словарь иностранных слов. “Славянский дом книги”. 1998. -509

тартиб, балки мунтазам эволюцион ривожланиш борлигини кузатиш мумкин.

Диверсификация жараёнига берилган замонавий таърифлар орасида англиялик иқтисодчилар Бэннок, Бакстер ва Девислар томонидан келтирилган таъриф эътиборга молик: “диверсификация – бу бирор фирма ёки географик минтақада товарлар ва хизматлар доирасини кенгайтиришдир”. Кўриниб турибдики, бу таърифда диверсификацияга жараён сифатида қаралиб, асосий эътибор унинг натижасига қаратилмоқда. Уларнинг фикрича, диверсификация жараёнининг зарурияти корхоналар ва фирмалар фаолиятининг анъанавий бозорларда даромадлилик даражасининг пасайиши, уларда керагидан ортиқча капитал ёки бошқарув ресурсларининг мавжудлиги, иқтисодий хавф-хатар ва корхоналарнинг циклик жараёнларга боғлиқлигини камайтириш билан боғлиқ.

Қуйидаги таъриф бирмунча аниқроқ ва кенгроқ бўлиб, унда диверсификация жараён ва муайян субъектлар томонидан амалга ошириладиган тадбир сифатида талқин қилинади: «диверсификация – алоҳида олинган корхона ёки конгломерат ёхуд иқтисодиёт томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар турининг ошишидир. Диверсификация иқтисодиётда табиий жараён сифатида рўй беради. Айрим ҳолларда эса бизнес соҳиблари ёки давлат томонидан тор доирадаги маҳсулотларга (айниқса, уларга бўлган талаб ўзгарувчан бўлган шароитда) боғлиқ бўлиб қолиш хатарини камайтириш учун амалга оширилади»⁴. Ушбу таъриф диверсификация жараёнларини амалга оширишнинг микро ва макро даражаларини қамраб олганлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Аммо диверсификацияни шарт қилиб қўювчи сабаблар унда тўлиқ ёритилмаган. Чунки диверсификация фақат тор доирадаги маҳсулотларга боғлиқ бўлиб қолишга барҳам бериш учун

⁴ Oxford Paperback Encyclopadia. Oxford University Press. - 1998. - p. 368.

амалга оширилмайди. У янги бозорларни эгаллаш, анъанавий бозорлардаги улушни ошириш, капитал учун янги соҳаларни излаш, ишчи кучини сақлаб қолиш ва бошқа мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Британиялик Сюзан Мейхью нуктаи назари ҳам ушбу концепцияга анча яқин. У диверсификацияга “ишлаб чиқаришни кенг доирадаги фаолият турларига ёйиш ва шу орқали фақат бир турдаги маҳсулотга ўта боғлиқ бўлиб қолмаслик учун қўлланиладиган тадбир”⁵ сифатида таъриф беради. У ўз фикрини давом эттирар экан, диверсификациянинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатади:

- горизонтал диверсификация;
- концентрик диверсификация;
- конгломерат диверсификация;
- меҳнат билан таъминлашнинг минтақалар бўйича диверсификацияси.

Машина ёки малакани камроқ мослаштиришни талаб қилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ривожлантириш горизонтал диверсификациядир. Концентрик диверсификация янги бозорларни эгаллаш учун бир маҳсулотнинг ўзини кенгроқ ишлатишдир. Конгломерат диверсификация бозорлар, технология ва маҳсулотлардаги ўзгаришлар туфайли саноат тармоғининг янги соҳаларга ўсишидир.

Трансмиллий корпорациялар турли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи фирмаларни сотиб олиш орқали диверсификациялашадилар. Кўп ҳолларда ишчи кучининг фақат бир саноат тармоғига боғлиқ бўлиб қолиши муаммоси мавжуд. Бу айниқса ихтисослашув даражаси юқори бўлган соҳаларга тааллуқлидир.

Бундай ҳолатда меҳнат билан таъминлашнинг минтақалар бўйича диверсификацияси юз беради. Агар диверсификацияга берилган ушбу таъриф ва унинг шаклларига синчиклаб назар ташласак, улар орасида

⁵ A dictionary of Geography. Oxford University Press.// Suzan Mawhew - 1997. - p. 112.

зиддият борлигининг гувоҳи бўламиз, яъни таърифда “бир турдаги маҳсулотга ўта боғлиқ бўлиб қолмаслик” тўғрисида фикр юритилса, унинг шаклларида нафақат бир турдаги маҳсулот, балки бир турдаги бозор, бир турдаги тармоққа боғлиқликни юмшатиш лозимлиги таъкидланади.

Америкалик иқтисодчилар С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензилар диверсификацияни «таваккалчиликни бир нечта активларга тақсимлаш орқали унинг даражасини пасайтиришга йўналтирилган стратегия»⁶ сифатида аниқлайдилар. Уларнинг фикрича, диверсификациянинг асосий коидаси “ҳамма тухумларни битта саватда сақламасликдан иборат”.

Мазкур таъриф бир мунча умумийроқ характерга эга бўлса-да, диверсификациянинг иқтисодий моҳиятини тўлиқ ўзида акс эттиради.

Диверсификация атамасига ўзбек иқтисодчиси Ж. Жалолов қуйидагича таъриф беради: “Бевосита бир-бири билан боғланмаган кўплаб ишлаб чиқаришларнинг бир вақтдаги ривожланиши”. Фирма фаолиятининг диверсификациялашувига эса ушбу олим фирма фаолиятида бир-бири билан бевосита боғланмаган бир нечта ишлаб чиқариш турларининг ривожланиши ёки фирма таркибига янги тармоқнинг киритилиши дея таъриф беради⁷.

Яна бир англиялик иқтисодчи Дэвид Скотт диверсификация мазмунини бир мунча бошқачарок тушунади. Унинг фикрича, диверсификация “бу турли хил корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш орқали улардан келадиган фойда миқдорининг барқарорлигини таъминлашдир”⁸. Кўриниб турибдики, бу таърифда ҳам “барча тухумларни битта саватда сақламаслик” тамойили устун ўринга эга. Шу билан бир қаторда бу таърифда молиявий диверсификация масаласига асосий эътибор қаратилган.

⁶ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика.- М.: Дело, 1997. - 351 стр.

⁷ Жалолов Ж.Ж., Аҳмедов И.А., Акрамов Т.А., Нематов И.У. Ташки иқтисодий фаолият асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 176 б.

⁸ Wall Street Words: An Essential A to Z Guide for todays Investor. By David L. Scott. 1997,1998, by Houton Missen Company,-p.162.

Умуман олганда, ғарб иқтисодий адабиётида капиталларни қулай жойлаштириш билан боғлиқ диверсификацияга катта эътибор қаратилиб, бу диверсификациянинг нисбатан юқори босқичидир.

Хориж адабиётларида экспортни диверсификация қилишда портфель назарияси келтирилган бўлиб, унда диверсификациядан асосий мақсад мамлакат иқтисодиётини бир товар ёки тармоққа, алоҳида мамлакат иқтисодиётига боғланиб қолиш хавфини камайтириш жараёни ҳисобланади. Бу назария дастлаб Нобел мукофоти совриндори Гарри Маркович томонидан илгари сурилган.⁹

Диверсификациянинг моҳиятини очиб беришга қаратилган таърифлардан бирида у қуйидагича талқин қилинади: “ишлаб чиқаришини диверсификациялаш – бу бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган бир томонлама ишлаб чиқариш таркибидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг кенг номенклатурасига эга кўп тармоқли ишлаб чиқаришга ўтишдир”¹⁰.

Бу таърифда диверсификация жараён сифатида тўлиқ очиб берилган бўлса-да, уни шарт қилиб қўювчи омиллар, унинг шакллари ва мақсадлари ёритилмай қолган.

Саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш масалалари МДХ олимлари томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, бозор муносабатларига ўтиш, жаҳон хўжалик тизимида интеграциялашув шароитида унга бўлган эътибор янада кучайди. Энциклопедик луғатда диверсификацияга қуйидагича таъриф берилган: “Диверсификация – фирмалар ўз фаолиятларининг асосий тармоғига ишлаб чиқаришда бевосита алоқаси ёки функционал боғлиқлиги бўлмаган бошқа тармоқларга кириб боришидир. Диверсификация ишлаб чиқаришнинг тармоқлараро даражада концентрациялашуви ва хўжаликни таркибий қайта қуриш жараёни билан

⁹ Love, J. (1979) : “ Model of Trade Diversification Based on the Markowitz Model of Portfolio Analysis” , Journal of Development Studies, Vol. 15, No. 2, pp 233-241

¹⁰ NNSV PSY Lab Server - Экономический словарь.

боғлиқ. Кенг маънода эса у хўжалик фаолиятининг янги соҳаларга ёйилиши (маҳсулот номенклатураси, хизматлар тури ва ҳоказоларнинг янги соҳаларга кенгайиши)ни англатади”¹¹.

Жаҳон хўжалик тизимида байналмилаллашув ва глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган, корхона ва фирмалар ўртасида рақобат кураши кескинлашаётган бир вақтда диверсификация жараёнини ҳар бир фирма ёки корхона, тармоқ ва бутун иқтисодиёт даражасида ҳам кузатиш мумкин.

Россиялик В.Д.Камаев фикрича, “диверсификация – бу бир-бири билан боғлиқ бўлмаган кўплаб ишлаб чиқариш турларининг бир вақтда ривожланишидир”¹². Бу таъриф диверсификация жараёнини бир томонлама изоҳлайди. Гап шундаки, диверсификация нафақат ўзаро боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш турлари, балки ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш турлари ўртасида ҳам юз бериши мумкин. Жаҳон тажрибасидан бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ишлаб чиқарилган айнан битта товарни ҳам турли бозорларга чиқиш, бошқача қилиб айтганда, ушбу товарга хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ҳам диверсификация ҳисобланади.

В.А.Пономарев диверсификациянинг микродаражасига эътибор қаратар экан, “корхонанинг аввалги соҳадан воз кечиб, янги соҳага ўтиши диверсификациядир”¹³, - деб таъкидлайди. Бунинг асосий сабаби сифатида эса анъанавий бозорларда фойда меъёрининг пасайиши, молиявий фойдани ошириш истаги, таваккалчилик даражасини пасайтиришни кўрсатади.

Диверсификация жараёнини бундай тор доирада изоҳлаш унинг иқтисодий мазмунини тўлиқ очиб бермайди. Биринчидан, корхона ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг асосий шарти асосий соҳадан воз

¹¹ Большой энциклопедический словарь. - СПб: “Норинт”, 2001. - с.355.

¹² Экономическая теория. //Науч. Ред. В.Д. Камаев. - М.: 1999. -599 с.

¹³ Пономарев В.А. Оценка внутренних возможностей фирмы и выработки стратегии управления. М.: Дело. - 1999. - 205 с.

кечиш ва янги соҳага ўтиш ҳисобланмайди. Иккинчидан, диверсификация жараёнини шарт қилиб қўювчи бошқа сабаблар ҳам мавжуд.

Россиялик бошқа иқтисодчи-олимлар Е.В.Савицкая ва О.В.Евсеев нуқтаи назарларига кўра “диверсификация - корхоналар, фирмалар, корпорациялар фаолият диапазонининг асосий бизнесдан бошқа соҳалар ҳисобига кенгайиши, уларнинг бошқа товарлар ишлаб чиқариш тармоқларига ҳамда янги товарлар ва хизматлар бозорига кириб боришидир”¹⁴.

Бу таъриф бир мунча аниқлиги ва кенг қамровлиги билан ажралиб туради. Бироқ бунда ҳам асосий эътиборнинг янги тармоқларга қаратилиши диверсификация иқтисодий мазмунининг тўлиқ ёритилмаслигига олиб келган.

Диверсификацияни амалга ошириш зарурияти турли хил омиллар билан белгиланади. Шу билан бир қаторда диверсификация олдида қўйилган мақсадга эришиш биринчи навбатда макродаражада мамлакатнинг, микродаражада корхона ва фирмаларнинг молиявий имкониятларига боғлиқ.

Молиявий имкониятларнинг мавжудлик даражасига қараб диверсификацияни икки хил йўналишда амалга ошириш мумкин: Биринчи йўналиш асосий фаолият тури асосида диверсификацияни босқичма-босқич амалга ошириш. Бунга Саудия Арабистонидаги диверсификация жараёнлари яққол мисол бўла олади. Иккинчи йўналишда, аксинча, диверсификация стратегияси асосий ишлаб чиқариш билан боғлиқ эмас. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш турлари, хусусан, автомобилсозлик саноатининг вужудга келишини кўрсатиш мумкин. Бу икки йўналиш ўртасида, бизнинг фикримизча, зиддият мавжуд эмас. Аксинча, кўп ҳолларда бу иккала йўналиш ўзаро бир-бирини тўлдиради.

¹⁴ Савицкая Е.В., Евсеев О.В. Экономический словарь для юных бизнесменов. М.: 1994. - 192 с.

Саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш Саудия иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан ушбу мамлакат олимларининг бу соҳада изланишлар олиб бориши табиий ҳол. Саудия Арабистонида диверсификация нефтдан бошқа тармоқларини ривожлантириш, даромад келтирувчи ресурсларни хилма хиллаштириш сифатида талкин этилади. Хусусан, Саудия Арабистонининг олтинчи беш йиллик (1995-2000) режасида диверсификация қуйидагича изоҳланган: “Нефть экспортидан келадиган тушумлар мақсад қилиб қўйилган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши амалга ошириш учун керакли молиявий ресурсларни таъминласа-да, бошқа томондан у Подшоҳлик иқтисодиётини жаҳон нефть бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларга боғлиқ қилиб қўймоқда. Шу сабабли ушбу боғлиқликни камайтириш учун иқтисодиётининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга ва юқори суръатларда ўсиб бораётган Подшоҳлик аҳолисининг ошиб борувчи эҳтиёжларини қондириш учун даромад келтирувчи ресурсларни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратмоқ лозим”. Араб олимлари Масъудул А. Чаузури ва Муҳаммад А. Ал-Саҳлавий диверсификацияни “нефтдан бошқа тармоқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ўсиши”¹⁵ сифатида аниқлайдилар. Албатта, бу таърифлар бир томонлама характерга эга ва Саудия Арабистони ҳамда нефть экспорт қилувчи бошқа араб мамлакатларининг ривожланиш хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Диверсификация жараёни фойдани кўпайтириш, барқарорликни таъминлашга қаратилган бўлсада, унинг салбий таъсирлари ҳам мавжуд. Биринчи навбатда харажатлар ортади. Чунки янги ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни бозорга олиб чиқиш корхонадан қўшимча харажатларни талаб этади. Шу сабабли ҳаддан

¹⁵Masudul A. Chaudry and Mohammed A. Al-Sahwlvay. Oil and Non Oil Sectors in the Saudi Arabian Economy. 2000. - p. 237.

ташқари диверсификациялашув корхонанинг молиявий аҳволига зарар келтиришини ҳисобга олиш лозим. Бундан ташқари диверсификациялашган корхона фаолият турларининг кенгайиши ишчи кучининг касбий кўникмаларининг пасайишига сабаб бўлади.

Ихтисослашувда эса ишлаб чиқаришнинг бир товар гуруҳи доирасида бўлиши уни ишлаб чиқаришда таннархнинг пасайишига (миқёс самараси) олиб келади. Буни устига бир турдаги фаолият билан мунтазам шуғулланиш ишчиларда малака ва кўникмаларнинг ўсишига, натижада меҳнат унумдорлигининг ортишига сабаб бўлади. Ихтисослашувда сифатнинг юқори бўлиши ҳам афзаллик сифатида қаралиши мумкин. Баъзи иқтисодчи олимлар мамлакатлар ҳалқаро савдода нисбий устунликка эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашувнинг самараси диверсификациялашувдан афзал дея баҳолайдилар.

Шундай қилиб, диверсификация – бу олдиндан қўйилган мақсад эмас, балки объектив жараённинг вужудга келиши натижасида амалга ошириладиган мажбурий чора-тадбирдир. Юқоридаги таърифларни умумлаштирган ҳолда, диверсификациялашга биз қуйидагича таъриф бердик: диверсификациялаш – бу бирор-бир маҳсулот ишлаб чиқаришга боғлиқликни камайтириш, капитал ресурсларини оқилона жойлаштиришни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, янги бозорларни эгаллаш ва анъанавий бозорларда мавқени мустаҳкамлаш, миқёс ва синергетик самарага эришиш мақсадида ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

1.2. Миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш бўйича хориж тажрибаси

Саноат миллий иқтисодиётда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади. У ишлаб чиқариш воситаларини доимий

тарзда қайта ишлаб чиқаради. Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, ушбу тармоқнинг ривожланиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, хусусан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, инфратузилма тармоқларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб мультипликатив самара беради. Айниқса, оғир саноатни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, алоқа, транспорт савдо ва бошқа соҳаларнинг барча тармоқларини зарурий техника ва технологиялар билан таъминлайди ҳамда техник тараққиётни жадаллаштиришга катта ҳисса қўшади.

Саноат тармоғининг ривожланиши натижасида иқтисодий муносабатларнинг мураккаб тизими ривожланади, шаҳарлар сони ошади, қишлоқ хўжалигининг ресурс базаси шаклланади, янги хом ашё манбалари шаклланади. Бошқа тармоқларга нисбатан саноат ишлаб чиқариши юқори рақобат афзалликларига эга. У мамлакатнинг экспорт ва валюта тушумлари шаклланишида ўзига хос ўрин эгаллайди, инновация фаолиятини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг муваффақиятли тарзда ривожланиши саноат ишлаб чиқаришининг мақсадга мувофиқ таркибининг шаклланишига боғлиқ. Айни вақтда миллий иқтисодиётнинг бирор бир тармоққа боғланиб қолиши ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига салбий таъсир кўрсатади, миллий иқтисодиётни ушбу тармоқ маҳсулотлари нархлари ўзгаришига таъсирчан қилиб қўяди.

Бу эса ўзнавбатида саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялашни шарт қилиб қўювчи асосий омил ҳисобланади. Умуман, саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаши икки хил йўналишда кўриб чиқиш мумкин: саноат ишлаб чиқаришининг тармоқ таркибини диверсификациялаш ва унинг географик таркибини диверсификациялаш.

Саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг бу икки йўналиши бир-бири билан боғлиқ бўлиб, уларнинг бирида юз берган ўзгариш иккинчисига таъсир кўрсатади. Саноатни таркибий ислоҳ этишда унинг тармоқ ва географик таркибини мукаммалаштириш назарда тутилади.

Мамлакат иқтисодиёти, хусусан, саноатнинг диверсификациялашуви иқтисодий ўсишга ҳам ижобий таъсир этади. Бу эмпирик кузатиш ва тадқиқотлар орқали исботланган. Таъкидлаш жоизки, саноат таркибини диверсификациялаш ташқи савдо стратегияси билан яқиндан боғлиқ бўлиб, уни амалга ошириш икки босқичда амалга ошади. Биринчи босқичда экспортга йўналтирилган тармоқлар сони ва товар турларининг кенгайтирилиши экспортдан тушадиган фойда миқдорининг ўсишига олиб келади ва барқарорлик даражасини оширади. Иккинчи босқичда эса экспортдан тушган даромад иқтисодиётнинг бошқа соҳаларининг ривожлантиришга йўналтирилади ва оқибатда умумий иқтисодиётда ўсиш кузатилади. Саноатни диверсификациялашни талаб этувчи иккинчи омил анъанавий ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати аҳоли сонининг ўсиш суръатидан паст. Натижада аҳоли жон бошига даромад тушиб боради ва бу турмуш даражасининг пасайишига олиб келади.

Шу каби хусусиятлари сабабли мамлакатлар саноатни диверсификациялаш масалаларига улкан эътибор қаратганлар. Уларнинг тажрибасини ўрганиш эса мамлакатимизда амалга оширилаётган диверсификация сиёсатининг самарали йўналишларини белгилашда муҳим ўринга эга.

Бир неча хорижий мамлакатларнинг ижобий натижаларга эришгани мисолида экспортни диверсификациялаш усуллари ва йўналишларини кўриб чиқишимиз мумкин. Саноатни диверсификациялаш усулининг Австралия тажрибасини олайлик. Саноатни диверсификациялашда амалга оширилган чора-тадбирлар мажмуасини шартли равишда уч гуруҳга

ажратиш мумкин: инвестицион, информацион ва молиявий. Биринчи навбатда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётининг экспортга йўналтирилган тармоқларига йўналтириш сиёсати амалга оширилди. Мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган Австралия Савдо Комиссияси томонидан экспортчиларга хорижий мамлакатларнинг савдо-иқтисодий сиёсати, шароитлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш тизими ишлаб чиқилди. Кичик корхоналарининг экспорт фаоллигини ошириш, экспортга рухлантириш мақсадида эса уларга товарларни хориж бозорларига олиб чиқишдаги харажатларни қисман қоплаш учун давлат томонидан молиявий ёрдамлар тақдим этиш ҳам йўлга қўйилди.

Ушбу сиёсатнинг ижобий натижалари сифатида мамлакат экспортида юқори технологияларга асосланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (биотехнология, ахборот-телекоммуникация, экологик маҳсулотлар) улуши ортиб бормоқда. Бундан ташқари экспортда хизмат турлари: туризм ва таълимнинг улуши ҳам сўнгги йилларда ўсиб бормоқда. Экспортнинг географик таркибида ҳам ижобий силжишлар кузатилди. Яқин Шарқ ва Лотин америкаси мамлакатлари билан савдо алоқалари ҳажми кўпайди. Бу каби ижобий натижалар олиб борилган иқтисодий сиёсатнинг самарали эканини исботлайди.¹⁶

Бир қатор Осиё мамлакатлари сингари Хитой иқтисодиёти ҳам экспортни қўллаб-қувватлаш эвазига саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялашга эришди. Хитой экспортининг ўзига хос хусусияти ташқи бозорга йўналтирилган ишлаб чиқаришнинг диверсификациясига катта эътибор қаратилгани, экспорт товарларида нарх рақобатбардошлигининг баландлигида намоён бўлади. Давлатнинг ушбу йўналишдаги сиёсатида ҳам, инвестицияларни тақсимлашда ҳам айнан

¹⁶Юдаева, К. Как нам диверсифицировать экспорт? /К.Юдаева // [Электрон манба]. 2005. № 3. - 68 с.

экспортнинг диверсификациялашув даражасини кўтариш мақсади биринчи ўринда туради (рақобатбардошлигини оширишдан ҳам муҳим йўналиш сифатида қаралади). Минтақа мамлакатлари экспортига хос бўлган яна бир хусусият ишлаб чиқаришда юқори малакани кам талаб этувчи маҳсулотлар экспортига ихтисослашганидир. Чунки минтақанинг ишчи кучига бой экани меҳнат талаб этувчи тармоқларнинг ривожланишига замин яратади.

Малайзия учун экспортни ривожлантириш имконияти жуда юқори баҳоланади. Қулай географик жойлашув ва кўплаб савдо портларининг мавжудлиги мамлакат экспорт салоҳиятини кучайтиради. Мамлакатда иқтисодий ислохотлар дастлаб қуйидаги йўналишларда олиб борилди:

- ер ва ўрмон ресурсларнинг самарадорлигини ошириш;
- алоқа, транспорт ва энергия таъминоти инфратузилмасини ривожлантириш.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан эса мамлакат экспортга йўналтирилган ташқи савдони ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Экспортда арзон ишчи кучига таянган саноат тармоқларининг улуши юқори бўлган. Давлат экспортга йўналтирилган тармоқларда энг кам иш ҳақи нормасини белгиламаган ва касаба уюшмаларининг фаолитини чеклаган.

Макроиқтисодий сиёсатда ҳам ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш масаласи устувор саналган. Экспорт салоҳиятини ошириш ва ташқи бозорда Малайзия рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш мақсадида қатор дастурлар амалга оширилган бўлиб, унда экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватловчи давлат кредитлари ва субсидиялари, ташқи бозорни ўзлаштиришда давлатнинг молиявий ёрдамларини бериш асосий инструментлардан ҳисобланган.

Иқтисодиётни, хусусан, саноатни ривожлантиришда Индонезия тажрибасида ҳам ижобий натижаларга эришилган. Нефт ва нефт маҳсулотларининг экспортидан тушган даромад давлат томонидан иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Ислохотларнинг дастлабки босқичида экспортдан олинган даромад қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, янгиликларни амалга тадбиқ этиш ва гуруҳнинг юқори ҳосилдорликка эга навларини етиштиришни ривожлантиришга сарфланган. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши саноатда фаолият юритувчи асосий қисм аҳолини арзон озиқ-овқат билан таъминлаш имконини берди.

Малайзия ва Индонезияда амалга оширилган миллий валюта девальвацияси ишлаб чиқариш харажатларини тушиши ва миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражасининг ортишига сабаб бўлди.¹⁷

Чили ташқи савдони ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқди ва амалага оширди. Биринчидан, иқтисодиётни қайта таркибий ташкиллаштириш ва инвестициялар жалб этиш мақсадида пул-кредит сиёсати олиб борди. Ишлаб чиқарувчиларга экспорт фаолиятини йўлга қўйиш, ташқи бозорларда маркетинг ишларини олиб бориш давлат кредитлари ҳисобига молиялаштирилди.

Иккинчидан, экспортни диверсификациялаш чора-тадбирлари амалга оширилди:

- ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати экспортини ошириш;
- иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган ва илм талаб тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;
- минтақавий савдога интеграциялашувни тезлаштириш;
- иқтисодиётнинг ресурс талаб ва бошва тармоқлари ўртасидаги боғлиқликни кучайтириш.

Учинчидан, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги кучайтириш масалаларига катта эътибор қаратилди¹⁸. Айнан шу сиёсат орқали Чили

¹⁷Юдаева К. Как нам диверсифицировать экспорт? / К.Юдаева //Proet Contra [Электронный ресурс]. 2005. № 3. Режим доступа: <http://www.carnegie.ru/ru/pubs/procontra/73663.htm>. Датадоступа: 09.08.2006. - 68 с.

¹⁸ Bonaglia, F. Export Diversification in Low-Income Countries: An International Challenge after Doha /F.Bonaglia, K.Fukasaku //Organisation for Economic Cooperation and Development [Electronic resource].

Фонди ташкил этилган, ва бу Фондда давлат пуллари шаклланган. Тўпланган маблағлар эса ноанъанавий лойиҳаларни молиялаштиришга сарфланган. Бугунги кунда экспортга йўналтирилган вино ва балиқ саноатнинг ривожланишида ушбу Фонднинг аҳамияти катта. Шундай сиёсат натижасида мамлакатда узоқ муддат давомида ташқи савдонинг ўсиши таъминланди, экспортнинг вертикал диверсификациялашуви кузатилди ва ташқи савдони ривожлантиришнинг илмий асослари ишлаб чиқилди.¹⁹

Таиланд мисолида ҳам ижобий натижаларга олиб келган давлат сиёсатини кўришимиз мумкин. Икки турдаги товарлар экспортини кучайтиришга катта эътибор қаратилди: мамлакат устунлиги таъминланган ресурслар ва меҳнат сиғиси юқори бўлган электроника ва текстил саноати маҳсулотлари. Таиланд ҳамда Малайзия иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг таъсири ҳам катта. Анъанавий ва қиймати юқори бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш агросаноатнинг ривожланишига туртки бўлди. Таиланд гуруч ва каучук экспортини кенгайтирди, Малайзияда эса пальма ёғи ва каучук экспорти бўйича агентлик ташкил этилди. Хом ашё ресурслари экспортининг ривожлантирилиши 90-йилларда тайёр маҳсулотлар экспортига салбий таъсир этган инқироз даврида ўзини оқлади ва мамлакат иқтисодиётини инқироздан сақлаб қолди.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши Коста-Рика экспортида ҳам ижобий натижаларни берди. Мамлакат экспорти 1961-1982 йилларда очик иқтисодиётга ўтишда йилига ўртача 14 фоиздан ўсди. Ислохотларни амалга оширишда дастлаб ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигига урғу берилди. Давлат томонидан молиявий ёрдам эса анъанавий экспортни

2003. Working paper № 209. Mode access: www.oecd.org/dataoecd/13/28/8322001.PDF. Date of access: 10.08.2006. - 20 с.

¹⁹ Юдаева, К. Как нам диверсифицировать экспорт? /К. Юдаева //Proet Contra [Электронный ресурс]. 2005. № 3. Режим доступа: <http://www.carnegie.ru/ru/pubs /procontra/73663.htm>. Дата доступа: 09.08.2006. - 68 с.

(қахва, банан, гўшт маҳсулотлари, какао) кенгайтириш ва янги тармоқларнинг экспорт фаолиятини компенсациялаш учун тақдим этилди. Экспорт тармоқ таркибининг кенгайиши билан (1980 йиллар) мамлакатда ташқи савдо тўсиқлари олиб ташлана бошланди.

Ушбу мамлакатлар экспорти узок муддат хом ашёга ихтисослашганига қарамасдан олиб борилган чора-тадбирлар экспортнинг такомиллашига сабаб бўлди. Мамлакатларда олиб борилган иқтисодий сиёсатни амалга ошириш хусусиятлари бир-биридан фарқ қилсада, уларда қуйидаги умумийликни кўриш мумкин:

Биринчидан, иқтисодий сиёсатдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиёт ўсишини рағбатлантириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш бўлган. Иккинчидан, энг муҳим йўналиш сифатида экспорт базасини такомиллаштириш, экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш масалалари олинган. Учинчидан, мамлакатларда иқтисодий ислохотлар давлат томонидан олиб борилган. Яъни иқтисодий жараёнлар, ривожлантириш йўналишлари давлат томонидан белгилаб берилган. Давлатнинг қуйидаги йўналишларда олиб борилган ҳамкорлиги экспорт самарадорлигини оширганини кўришимиз мумкин:

- қулай ҳуқуқий-норматив базани яратиш;
- молиявий қўллаб-қувватлаш, кредит, субсидиялар тақдим этиш;
- маркетинг фаолиятини олиб боришда кўмаклашиш, ахборотлар тақдим этиш, маҳсулотларни етказиб беришда давлат кафолатларини тақдим этиш.

Жаҳон тажрибаси доим ҳам юқоридаги мисоллар каби ижобий яқун топмаган. Диверсификация йўналишларини белгилашда иқтисодий имкониятлар ва оқибатлар чуқур таҳлил қилиниши лозим. Кения мисолида экспорт диверсификацияси кутилган натижаларни бермаганлигини кўриш мумкин.

Кенияда анъанавий саноат ишлаб чиқариш маҳсулотлари (чай, кава) экспортини камайитиш, мева ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, гуллар ва ҳўл мевалар, текстил тармоғининг экспортдаги ролини оширишга катта эътибор қаратилди. Натижада Кения бугунги кунда боғдорчилик маҳсулотлари ва гуллар етиштириш бўйича минтақада етакчи ҳисобланади, лекин қайта ишлаш тармоқларининг экспортдаги улуши кам, бу эса ўз навбатида экспорт самарадорлигини паст бўлишига сабаб бўлади.

Иқтисодиётнинг бир тармоғини бошқа тармоқлардан ажратилган ҳолда ривожлантириш мумкин эмас. Буни Уганда тажрибаси мисолида яққол кўриш мумкин. Уганда 1990 йилларга қадар ҳам балиқ экспортига ихтисослашган мамлакат эди. Экспортда қайта ишланган балиқ маҳсулотларининг улушини ортиши билан экспорт самарадорлиги ҳам ортиб борди. Бугунги кунда тармоқ ҳиссасига йилига 200 млн АҚШ доллари миқдорида фойда, иқтисодиёт банд бўлган 200 минг киши тўғри келади. Балиқ маҳсулотларининг 10 фоизи минтақа бозорларида сотилади, асосий қисми эса ярим тайёр маҳсулот сифатида Европа мамлакатларига экспорт қилинади. Лекин тармоқнинг ривожланиши бир қатор муаммоларни вужудга келтирди. Бу муаммолар, айниқса, чиқиндиларни қайта ишлаш, маҳсулотларни сақлаш ва ташиш, сифат даражасини Европа талабларида бўлишини назорат қилишда намоён бўлди. Давлат томонидан бу муаммоларни ҳал этиш мақсадида Угандадан балиқ экспорт қилувчилар ассоциацияси ташкил этилди. Ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси мамлакатда тармоқ вакилларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, тармоқлараро кооператив алоқаларни кучайтириш ва тармоқ вакиллари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат ҳисобланади. Ташкилот фаолияти давомида мамлакатда транспорт хизматлари нархи ва сифати истеъмолчилар фойдасига ўзгартирилди. Бу амалиёт ҳам жаҳоннинг бошқа

ривожланган мамлакатларида самарали усуслардан бири сифатида қўлланилиб келинмоқда²⁰.

Иқтисодий диверсификация қилишда давлатнинг иштироки асосан ривожланаётган мамлакатларда кузатилади. Чунки иқтисодий ривожланган мамлакатларда саноатнинг диверсификациялашуви жараёни иқтисодийнинг ривожланиши билан биргаликда табиий жараён сифатида юз беради. Ривожланаётган мамлакатларда эса иқтисодий жараёнларни тезлаштириш мақсадида давлат томонидан қулай муҳит яратиб берилди.

Шу хусусиятига кўра диверсификация жараёнларини икки гуруҳ таснифлаш мумкин:

- табиий диверсификация – давлат ёки алоҳида ташкилотларнинг аралшувисиз, талаб ва таклиф ўзгариши билан юз берувчи диверсификация жараёнлари;

- қувиб етувчи диверсификация – иқтисодий барқарорликни таъминлаш, рақобатбардошликни ошириш мақсадида давлат иқтисодий сиёсати орқали рағбатлантириладиган диверсификация жараёнлари.

Қувиб етувчи диверсификацияда ривожланаётган мамлакатлар асосий йўналишларни белгилашда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши мумкин.

Хориж тажрибасини ўрганиш ва миллий иқтисодиётга тадбиқ қилишда мамлакатнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари инобатга олинishi лозим. Бунда мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси, жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни, ташқи савдосининг ўзига хос жиҳатлари ва экспорт имкониятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни диверсификациялашнинг миллий модели (стратегияси) ишлаб чиқилиши лозим. Бундай хусусиятлар инобатга олинмаган ҳолда иқтисодий

²⁰Юдаева, К. Как нам диверсифицировать экспорт? /К.Юдаева //Proet Contra [Электронный ресурс]. 2005. № 3. Режим доступа: <http://www.carnegie.ru/ru/pubs/procontra/73663.htm>. Дата доступа: 09.08.2006. - 68 с.

ислоҳотлар кутилаётган натижаларни бермагани ҳолда, салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.

I боб бўйича хулоса

1. Диверсификация кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Уни амалга ошириш усуллари, механизми, мақсади ва вазифалари турличадир. Бу эса унинг иқтисодий мазмунини тўлиқ ифодалайдиган ягона таъриф беришни қийинлаштиради. Шундай булса-да, барча диверсификация жараёнларининг туб моҳияти бир хилдир. Корхоналар фаолияти иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техника шароитларининг кескин ўзгариши ташқи муҳитга, вазиятга мослашиш учун бошқаришга бўлган талабнинг ўзгаришига олиб келди. Жаҳон бозорларидаги кескин кураш, иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши ва техник тараққиётнинг сусайиши ишлаб чиқаришда туб ўзгаришларни амалга оширишни талаб қилди, чунки ишлаб чиқариш учун илғор техника ва технологияларни сотиб олишнинг ўзи етарли бўлмай қолди. Диверсификация капитал тўпланувининг кенг тарқалган шаклларида бирига айланиши кўп жиҳатдан айнан мана шу билан тушунтирилади.

2. таърифларни умумлаштирган ҳолда, диверсификациялашга биз куйидагича таъриф бердик: диверсификациялаш – бу бирор-бир маҳсулот ишлаб чиқаришга боғлиқликни камайтириш, капитал ресурсларини оқилона жойлаштиришни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, янги бозорларни эгаллаш ва анъанавий бозорларда мавқени мустаҳкамлаш, миқёс ва синергетик самарага эришиш мақсадида ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

3. Хориж тажрибасини ўрганиш ва миллий иқтисодиётга тадбиқ қилишда мамлакатнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари инобатга оlinиши лозим. Бунда мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси, жаҳон

иқтисодиётида тутган ўрни, ташқи савдосининг ўзига хос жиҳатлари ва экспорт имкониятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни диверсификациялашнинг миллий модели (стратегияси) ишлаб чиқиши лозим. Бундай хусусиятлар инобатга олинмаган ҳолда иқтисодий ислохотлар кутилаётган натижаларни бермагани ҳолда, салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.

II БОБ. БААДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРМОҚ ВА ГЕОГРАФИК ТАРКИБИ

2.1. БАА иқтисодиётининг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар йўналишлари


Бирлашган Араб Амирликлари жаҳондаги энг йирик нефть ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Айнан Амирликлар ҳудудида нефть захираларининг аниқланиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасида улкан ўзгаришларга сабаб бўлди.

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида ўзига хос ўрин эгаллаб келаётган БАА сўнгги йилларда ижтимоий-иқтисодий тараққиётда юксак натижаларга ва кўплаб ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари даражасига эришган. Албатта, бундай кўрсаткичларга эришишда мамлакатнинг нефть ва газ захираларига бой эканлиги ўзига хос катта ўринга эга. Шунга қарамасдан мамлакат томонидан иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш соҳасида эришилаётган натижалар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Бугунги кунда Бирлашган Араб Амирликлари жаҳоннинг бой мамлакатларидан бири ҳисобланади. Ўзининг турмуш даражаси бўйича "катта еттилик" мамлакатлари билан тенглаша олади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, БААда 2007-2014 йиллар давомида ялпи ички маҳсулот ҳажми 257 млрд. АҚШ долларидан 422 млрд. АҚШ долларигача ўсди (2.1-расм).

2.1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, БААда таҳлил қилинаётган давр мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми умуман ўсиш тенденциясига эга бўлган. Фақат 2009 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўтган йилга нисбатан қисқариши кузатилади. Шу йили 2008

йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми 19,2 фоизга камайиб, 254,8 млрд. долларга тушиб қолди. Бунга сабаб эса 2007 йилнинг охирида АҚШ ипотекали кредит тизимидан бошланиб кейинчалик жаҳоннинг барча мамлакатларини қамраб олган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ҳисобланади.



Manba: XVF ma'lumotlari asosida tuzildi. "2014 Article IV Consultation — Staff Report; Press Release; And Statement by the Executive Director for the United Arab Emirates" // IMF Country Report No. 14/187. July 2014. 29-bet.

2.1-расм. БАА ялпи ички маҳсулоти динамикаси (млрд. АҚШ доллари)

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi оқибатида 2008 йилнинг август ойидан жаҳон бозорида нефть нархларининг кескин суръатларда пасайиши БАА иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2008 йилнинг август ойида нефть нархлари июль ойига нисбатан 13 фоизга пасайган бўлса, декабрь ойида яна 64 фоизга пасайди ва 41,7 АҚШ долларини ташкил этди. 2009 йилнинг дастлабки икки ойида жаҳон нефть нархларининг ўртача қиймати 39 долларга тенг бўлди²¹.

Худди шундай глобал инқироз БАА иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган туризм соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

²¹ www.ereport.ru

Энг аввало, у туризм маҳсулотидан фойдаланувчи потенциал истеъмолчилар харид қобилиятларининг пасайишга ва бунинг оқибатида талабнинг қисқаришига олиб келди. Маълумки, даромадлар камая бошлагандан кейин кишилар барча соҳада иқтисод қила бошлайдилар. Пул етишмовчилиги шароитида кишилар ўз жамғармаларини, энг аввало, ўз қийматини йўқотмайдиган товарларга киритишга ҳаракат қиладилар. Ўз харажатлари рўйхатидан эса биринчи бўлиб дам олишни ташкил этишга сарфланадиган харажатларни чиқариб ташлайдилар. Иккинчи томондан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ишсизлик даражасининг ошиши юз берди. Бу эса даромадлар ва дам олиш харажатлари ҳажмини кескин чеклаб қўйди.

БАА 2011 йилдаёқ ялпи ички маҳсулотнинг инқироздан олдинги даври кўрсаткичидан ўзиб кетди. Бунга жаҳон нефть бозорида нархларнинг ўсиши ижобий таъсир кўрсатди. Айтиш мумкин, ҳаққон туризм бозорида ҳам жонланиш кузатилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсиридан энг тез суръатларда ҳалос бўлган тармоқлардан бири туризм соҳаси бўлди. Хусусан, 2010 йилдаёқ жаҳон бўйича туристик ташрифлар сони 2008 йил даражасидан ўтиб кетди ва 939 млн кишини ташкил этди²². Бу ҳолат ҳам БАА ялпи ички маҳсулотининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

Сўнгги йилларда БАА ялпи ички маҳсулотининг тармоқ таркибида ижобий ўзгаришлар юз бераётганлигини таъкидлаш лозим. Бу мамлакатда амалга оширилаётган диверсификация сиёсатининг натижасидир.

Маълумки, миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш ва нефтдан бошқа тармоқларни ривожлантириш БАА иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, бу, энг аввало, қуйидагилар билан изоҳланади:

²² Манба: UNWTO NEWS. www.unwto.org. Magazine of the Tourism Organization, Year XXIII, Issue 1/2012. P.1

- мамлакат ялпи ички маҳсулотининг катта қисми нефть ва газ сектори ҳисобига шаклланади. Бу эса БАА иқтисодиётини жаҳон нефть бозорига боғлиқ қилиб қўяди;

- жаҳон хом ашё бозоридаги конъюнктуранинг ўзгариши нефть ва газдан олинувчи даромадларнинг тез-тез ўзгаришига олиб келади, шунингдек бу ресурслар захиралари тикланмайдиган ресурслар гуруҳига кириши маълум даврдан кейин унинг тугашига олиб келади;

- сўнгги йилларда мамлакат аҳолисининг тез ўсиши, ёшларнинг билим олиш ва малакасини ўстиришга интилиши юқори малакали мутахассислар учун ишчи ўринларини яратиш заруриятини вужудга келтиради ва ҳ.к.

Шу муносабат билан мамлакатда нефтдан бошқа тармоқлар ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида БАА нафақат нефть бозори, балки хизматлар бозорида ҳам ўзига хос ўрин эгалламоқда. Нефть экспортидан олинган даромадларни иқтисодиётни диверсификациялашга йўналтириш, инфратузилма объектларини ривожлантиришга харажатлар киритиш натижасида БАА жаҳон туризм бозорига муваффақиятли тарзда интеграциялашиб бормоқда. Йилдан-йилга Амирликлар мамлакатда ўзининг барқарор сиёсий ҳолати ва ривожланган инфратузилмаси, қулай иқлим шароити ва хизматнинг юқори стандартлари туфайли туристлар учун янада жозибали бўлиб келмоқда, айтилиши вақтда мамлакатда савдо ва реэкспорт тараққий топмоқда, транспорт ва алоқа миллий иқтисодиётда ўзига хос ўринга эга бўлмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2007-2013 йиллар давомида БАА иқтисодиётининг тармоқ таркибида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда (2.1-жадвал). Амалга оширилаётган диверсификация сиёсатининг натижаси ўлароқ 2007 йилга нисбатан 2013 йилда нефть ва нефть маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 36 фоиздан 33 фоизгача қисқарди. Айтилиши вақтда мамлакат иқтисодиётида кўчмас мулкнинг улуши 9

фоиздан 12 фоизга, транспортнинг улуши 7 фоиздан 9 фоизга, курилишнинг улуши 7 фоиздан 9 фоизга ўсди.

2.1-жадвал

БАА иқтисодиётининг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар, %

Кўрсаткичлар	2007	2013	2013 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, %
Нефть ва нефть маҳсулотлари	36	33	-3
Кўчмас мулк	9	12	+3
Савдо	15	12	-3
Транспорт ва алоқа	7	9	+2
Курилиш	7	9	+2
Ишлаб чиқариш	12	9	-3
Молия	7	7	-
Бошқалар	7	9	+2

Манба: XVF ma'lumotlari asosida tuzildi. "2014 Article IV Consultation — Staff Report; Press Release; And Statement by the Executive Director for the United Arab Emirates" // IMF Country Report No. 14/187. July 2014. – B.36.

БАА иқтисодий тараққиётининг асосини ташкил этувчи тамойиллардан бири нефтга асосланмаган турли хил кўп тармоқли ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш ва ривожлантиришдир. Мамлакат иқтисодиётини диверсификациялаш воситаси сифатида сўнгги йилларда хорижий инвестицияларни жалб этиш ва хусусийлаштириш жараёнидан фойдаланилмоқда.

Абу Даби ва Дубай амирликларида нефть ва нефть маҳсулотларига боғлиқликни пасайтириш учун савдо, туризм, логистика, авиация, инфратузилма ва банк-молия соҳаларига киритган катта миқдордаги инвестициялар миллий иқтисодиётнинг диверсификациялашувига сабаб бўлди. Бугунги кунда мамлакатда муваффақиятли амалга оширилаётган диверсификация сиёсати БААнинг экспорт таркибида ҳам ўз аксини топмоқда (2.2-расм).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда БААда нефтдан бошқа тармоқларнинг юқори суръатларда ривожланиши кузатилмоқда. Хусусан, 2008-2014 йиллар давомида мамлакатда реэкспорт ҳажми 94,2

млрд. доллардан 164,8 млрд. долларгача, яъни 64,8 фоизга, нефтдан бошқа тармоқларнинг экспорт ҳажми 43 млрд. доллардан 114,8 млрд. долларгача, яъни 167 фоизга ўсди. Айни вақтда нефть ва нефть маҳсулотлари экспорти ҳажми 91,4 млрд. доллардан 108,3 млрд. долларгача, яъни 18,5 фоизга ўсди, холос.

2.2-жадвал

БААнинг экспорт динамикаси, млрд. доллар

	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2014 йилда 2008 йилга нисбатан, %
Рээкспорт	94,2	80,1	87,9	119,6	133,1	147,7	164,8	174,9
Нефтдан бошқа сектор	43,0	44,0	51,0	70,9	96,4	107,9	114,8	267,0
Табиий газ	11,5	8,6	7,9	12,0	14,5	14,7	14,2	123,5
Нефт ва нефть маҳсулотлари	91,4	59,6	66,8	107,5	113,5	108,3	108,3	118,5
Жами	240,1	192,3	213,6	310,0	357,5	378,6	402,1	167,5

Manba: XVF ma'lumotlari asosida tuzildi. "2014 Article IV Consultation — Staff Report; Press Release; And Statement by the Executive Director for the United Arab Emirates" //IMF Country Report No. 14/187. July 2014. – B.30.

Бундай ўзгаришлар натижасида мамлакат экспортининг тармоқ таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берди (2.3-жадвал). Агар 2008-2014 йиллар давомида нефтдан бошқа тармоқлар улуши 17,9 фоиздан 28,5 фоизгача, реэкспортнинг улуши 39,2 фоиздан 41,1 фоизгача ўсган бўлса, нефть ва нефть маҳсулотларининг улуши 38,1 фоиздан 26,9 фоизгача, табиий газнинг улуши эса 4,8 фоиздан 3,5 фоизгача пасайган.

Бу кўрсаткичлар БААда амалга оширилаётган диверсификация жараёнлари ўз ижобий натижаларини бераётганлигидан далолат беради.

Миллий иқтисодиётнинг диверсификациялашувига олиб келаётган асосий омиллар сифатида туризм, кўчмас мулк савдоси, қурилиш соҳалари ривожланишига Амирликлар ҳукумати томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаш лозим. Шунингдек Амирликлар

иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудлар муҳим ўрин тутишини таъкидлаш лозим.

2.3-жадвал

БААнинг экспорт динамикаси, млрд. доллар

	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014
Реэкспорт	39,2	41,6	41,1	38,6	37,2	39,0	41,1
Нефтдан бошқа сектор	17,9	22,9	23,9	22,9	27,0	28,5	28,5
Табиий газ	4,8	4,5	3,7	3,9	4,1	3,9	3,5
Нефт ва нефть маҳсулотлари	38,1	31,0	31,3	34,7	31,7	28,6	26,9
Жами	100	100	100	100	100	100	100

Manba: XVF ma'lumotlari asosida tuzildi. "2014 Article IV Consultation — Staff Report; Press Release; And Statement by the Executive Director for the United Arab Emirates" // IMF Country Report No. 14/187. July 2014. – B.30.

Айни пайтда Бирлашган Араб Амирликларида 15 та эркин иқтисодий ҳудудлар мавжуд бўлиб, шулардан баъзилари денгиз портлари базасида (Жабал Али, Ажман, Ҳамрия, Фужейра, Раъс ал-Хайма), бошқалари аэропорт базаларида (Шаржа, Дубай, Фужейра) ташкил этилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жаҳон бўйича мамлакатлар иқтисодиётининг рақобатбардошлиги бўйича 2013 йилда БАА Яқин Шарқ мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, жаҳонда 8-ўринни эгаллади.²³.

Шундай қилиб, БАА иқтисодиётининг тармоқ таркибидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришлар юз бериб, бу ўзгаришлар нефть ва нефть маҳсулотлари улушининг пасайиши ва нефтдан бошқа тармоқлар улушининг ўсишида ўз аксини топмоқда. Бу, энг аввало, БАА ҳукумати томонидан амалга оширилаётган диверсификация сиёсати натижаси ҳисобланади. БААда иқтисодиётни диверсификациялаш сиёсати қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

²³ IMD.World competitiveness Yearbook 2013. International Institute for Management Development. IMD. 2013.

- нефть ва нефть маҳсулотлари экспортидан олинадиган даромадларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари – қурилиш, транспорт, савдо, халқаро туризм, инфратузилма тармоқларига қайта тақсимлаш ва шу орқали мамлакатда кўп тармоқли иқтисодиёт таркибини шакллантириш;

- мамлакатда бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитларни барпо этиш орқали мамлакат иқтисодиётига йирик миқдорда хорижий инвестициялар жалб этишга эришиш;

- халқаро туризм ва унинг инфратузилмасини такомиллаштириш орқали туристлар оқимини кўпайтириш. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2014 йилда туризм соҳасига хорижий инвесторлар томонидан 10,2 млрд. АҚШ доллари миқдорида капитал қўйилган бўлса, давлат бюджетидан 1,3 млрд. АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам кўрсатилган;

- транспорт соҳасини устун даражада ривожлантириш орқали йўловчи ва юк ташиш ҳажмини муттасил ошириб бориш. Бугунги кунда “Emirate Airlines” миллий авиакомпанияси 100 дан ортиқ йўналишларда қатновларни амалга оширмоқда.

2.2. БАА иқтисодиёти ривожланишининг ҳудудий жиҳатлари

Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёти ўзига хосдир. БАА таркибига кирувчи амирликларнинг ҳар бири ўз холича ҳаёт кечиради ҳамда ўзгача ҳаёт тарзига эгадир. Қайсдир маънода Амирликларнинг иқтисодиётдаги ўсиш суратлари ва уларнинг мамлакат тизимидаги ўрни турли хилдир. Шунинг учун Бирлашган Араб Амирликларининг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Бирлашган Араб Амирликлари ҳудудий жиҳатдан 7 та амирликка бўлинади. Бу Абу Даби – пойтахт шаҳар, Дубай, Шарджа, Аджман, Ум Ал Кайвейн, Фуджайра, Рас Ул Хайма. Баъзи бир адабиётларда мамлакатнинг

худудий тахлилида 3 қисмга бўлиб тахлил қилинади. Бу Абу Даби, Дубай ва Шимолий Амирликлар (Шарджа, Аджман, Ум Ал Кайвайн, Фуджайра, Рас Ул Хайма).

2.5-жадвал

БААнинг худудий тузилиши

Амирликлар	Майдони, км ²	Аҳолиси, киши
Абу-Даби	67 340	1 463 491
Дубай	3 885	2 262 000
Шарджа	2 590	656 941
Аджман	259	260 492
Ум Ал-Кайвайн	777	59 098
Фуджайра	1 166	118 933
Рас Ул-Хайма	1 683	191 753

Манба:

Абу Даби – пойтахт шаҳар. Бу Амирлик Амирликлар ичида энг ката ва энг бой Амирлик ҳисобланади. Амирлик мамлакат майдонининг 87 фоизини ва нефть захирасининг 95 фоизини ташкил этади. Нефть захираси ҳозирги суратда қазиб чиқариладиган бўлса 150 йилга етади. Табиий газ захирасига кўра Абу Даби жаҳонда етакчи ўринда туради. Бу худудда 1,5 миллионга яқин киши яшайди. Амирлик Абу Даби шаҳри, ундан 140 км масофадаги Ал Айн шаҳри ва 245 км узоқликдаги Лива шаҳарларидан иборат.

Абу Даби Амирлиги ҳозирги кундаги Бирлашган Араб Амирликлари етишган натижаларнинг асосчиси ҳисобланади. Амирлик ўз нефтдан тушган ката пул маблағларини бошқа ҳеч қандай бир соҳа ривожланмаган Амирликларга қаратган. Бу маблағлар эвазига Чўллардан ҳозирги Замонавий Дубай шаҳри, ката-катта илмий текшириш институтлари ва боғлар вужудга келди. Абу Дабининг нефть долларлари бўлмаганда Бирлашган Араб Амирликлари бундай юқори натижаларга эришмаган бўларди. Абу Даби жаҳон иқтисодий инқироzi вужудга келиб Дубайда кескин иқтисодий танг ахвол вужудга келганда ҳам Абу Даби Амирлиги

ўрта ҳисобда 5 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёрдам пулини узатди. Бу пуллар эвазига Амирликда ахвол анча яхши тарафга ўзгарди ва ҳозирга келиб у ўзининг аввалги ҳолини тиклай олди. Шундай экан қайсидир маънода Бирлашган Араб Амирлигининг ҳомийси деб билишимиз мумкин.

Дубай - Туризм ва савдо маркази. Дубай Амирлиги Форс кўрфази бўйлаб чўзилган. Амирлик пойтахти Дубай шаҳри. У Хор Дубай номи кўрфаз билан кесишган. Жанубий қисми Бар-Дубай номи билан маълум. Бу ерда кўпчилик компанияларнинг марказий офислари, банклар, божхона, порт, телевидения ва почта мавжуд. Энг аҳамиятга касб этадиган ери Дубай савдо маркази, Хайвонот боғи ва денгиз ёқасидаги Ал Жумайра боғидир. Шимолий қисми Дейра деб номланади. Бу бизнес ва туризм марказидир. Бу ерда кўпчилик магазинлар, бозорлар, мактаблар, меҳмонхоналар ва Дубай жаҳон Аэропорти жойлашган. Маълумотларга кўра Дубайнинг аҳолиси 2 262 минг кишини ташкил этади.

Бу иккита қисм ўзаро Ал Мактум ва Ал Гархуд кўприклари билан ҳамда Ал Хор кўрфази остидан ўтувчи Ал Шандага туннели боғланган. Дубайдаги Жабал Али ҳудуди бутун мамлакат учун ўзига хос индустриал ва савдо ҳудуди ҳисобланади. Бу бутун форс кўрфазидаги энг катта эркин иқтисодий ҳудуд ҳисобланади. У Драй Доки, Жабал Али порти ва Дубай алюмин заводидан иборат.

Дубай космополитан шаҳри яқин шарқнинг етакчи бизнес ва сайёҳлик марказидир. У ўзининг меҳмондўстлиги ва иш юритмоқчи бўлган инсонларга чексиз имкониятлар билан машҳур. Дубай жаҳон конференциялари, кўргазмалари семинарлар ва симпозиумлар ўтказиш жойи сифатида машҳур. Бу ерга бутун дунёдан бизнесменлар ташриф буюришади, чунки Дубайда барча саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларни камраб оловчи йўлга қўйилган алоқалар ривожланган.

Ҳозирги вақтда айтиб ўтилган эркин иқтисодий ҳудудлар ичида энг йирик ва ривожлангани 1985 йилда Дубай амирлиги ҳукумати қарори

билан таъсис этилган, Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай минтақасида жойлашган Жабал Али эркин иқтисодий ҳудудидир (Jabal Ali Free Zone (JAFZ)).

Дубай шаҳри қадимдан Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо йўлида жойлашган. Ўзининг қулай жойлашганлиги боис бугунги кунда Шарқдаги йирик савдо марказига айланди.

Кейинги йилларда Дубайда "Жабал Али" эркин иқтисодий ҳудудининг ташкил этилиши унинг муваффақиятли белгисига айланди.

"Жабал Али" эркин иқтисодий ҳудуди Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай Амирлигида жойлашган бўлиб, дунёнинг энг яхши порти ўнлигига киради. Бу Яқин Шарқдаги энг яхши порт бўлиши билан бирга, бу ерда инфраструктура ривожланган ва Яқин Шарқда (ёки Яқин Шарқ билан) солиқсиз тартибда бизнес олиб бориш учун қулай шароитлар таклиф этилади.

Ҳудуд дунёнинг 1.5 млрд. аҳолилик истеъмол бозорига хизмат кўрсатувчи қулай омборли ва дистрибьютор қирғоқдир.

Дубайнинг барқарор қонунчилиги юқори даражада ривожланган коммуникация ва транспорт тизими, умуман ишбилармон муҳит шу даражада-ки, бугунги кунга келиб "Жабал Али" эркин иқтисодий ҳудудида 97 мамлакатнинг 2300 дан ортиқ компания мавжуд. Шулардан 35 % – форс кўрфазининг ҳамкорлик кенгаши давлатларидан, 27 % – Яқин Шарқдан, 28 % – Европа, Осиё мамлактлари, тинч океани ҳавзаларидан ва қолгани АҚШдан. Буларнинг ичида дунёга машҳур бўлган ишлаб чиқарувчилар ва мулкдорларнинг номлари қуйида зикр этилган: Acer, Black Decker, Colgate Palmolive, Compag, Daewoo, GAP, HJ Heinz, Honda, Unilever, Johnson & Johnson, Westle, Nissan, Nivea, Philips, Toshiba, Mitsubishi, Caterpillar Logistics, Goodyear, Hitachi, 3M, Basf, ABB, Matsushita Electric, Fedex, Bose Export, BP, Carrier Casio, TATA, Citizen, L'oreal ва кўпгина бошқа компаниялар.

Дубай Технопарки. Дубай Технопарки қурилишининг биринчи қисми 2003 йилнинг октябр ойида тугатилган. Технопарк хорижий инвестицияларни тўғридан – тўғри нефт ва газ тадқиқотларига, сувни чучуклаштириш ва атроф муҳитни ҳимоялашга жалб этишни режалаштирган. Технопаркларнинг бир қисми бўлган Шайх Зайд шоссеси (қаттиқ қопламали йўл) 2005 йилда битган.

Дубай автомобиллар ва автомаркет ҳудудлари. Дубай амирлигининг Раъс ал-Хор минтақасида жойлашган бу ҳудуд автомобилларни реэкспорт қилиш мақсадида таъсис этилган. Дубай автомобил зонаси 1 млн. кв м майдонни ўз ичига олади. Шу билан бирга, минтақа ичидаги барча аэропорт ва денгиз портларига киришга қулайлик яратади.

Бу ҳудуддаги 100 % хориж капитали билан ишлаётган компаниялар мулкка ўзлари эгалик қиладилар, импорт божлари ва бошқа эркин иктисодий ҳудуддан тушадиган фойдалардан озод қилинадилар.²⁴

Шарджа. У Дубай Амирлигидан кўп қаторли замонавий магистралдан 10 минутлик йўл узоқликда жойлашган ва уларни фақатгина табиий чегара Ал Хан кўрфази ажратиб туради.

Сўнги 20 йил ичида шаҳар хажми четидаги қишлоқларни қамраб олган ҳолда катталашди. Ҳозирги кунда унинг ҳудуди 2.6 минг квадрат километрни ташкил этади. Шарджанинг аҳоли сони ҳозирда 657 минг кишидан иборат.

Бу минтақада табиий газ захирасининг топилиши тубдан ўзгаришларга олиб келди. Шаржанинг Шаржа Ситидаги Халид порти ва шарқий қирғоғидаги Кор Фахон портлари кемаларга хизмат кўрсатувчи 17 та гаванларни ўзида мужассамлаштирган. 1980 йилнинг бошларида Халид портининг чуқурлигини ошириш, кемалар кириб чиқиши учун кенгайтириш лойиҳаси тузилган эди ва бугунги кунда ҳар қандай кемаларга барча турдаги хизматларни кўрсата оладиган портлардан бирига

²⁴ UAE yearbook 2004 o.p. 102.

айланган.

Маҳаллий Холид портида юк айланмасининг ривожланиши туфайли савдо соҳасидаги аҳамиятли иштироки, замонавий жаҳон аэропортининг курилиши шундоқ ҳам кам бўлмаган сайёҳлар оқимини кучайтирди.

Бу шаҳарни араб дунёсининг маданият пойтахти деб аташади. Бу «Музей шаҳар»: Миллий мерос музейи, Санъат, Археология ва Илм Фан музейи. Қочонлардир 1953 йилда Бирлашган Араб Амирликларидаги биринчи умумий ўрта мактаб фаолиятини бошлаган. Шарджада Шох Файсалнинг 3000 киши сифимига эга катта масжиди жойлашаган.

Аджман - Амирликлар ичида энг кичигидир, Дубай аэропортидан 30 минутлик йўл узоқлигида жойлашган. Аҳолиси 260 минг киши. Бу ерда нефт захиралари бўлмасада у ўз йўлини топиб машхур бўлган. Аджман Амирлиги мамлакатнинг бошқа Амирликлари каби форс кўрфази четига қурилган. Аджман – кemasозлиги бутун мамлакатга «Доу» номли битта мачтали араб кемалари ясалиши билан танилган. Бу енгил лекин жуда бақувват кемалар Хиндистондан олиб келинадиган қовоқ дарахтидан қадимий асрлар давомида мукаммаллашиб келган асбоб ускуналар ёрдамида ўзига хос услубда тайёрланган. 90 йиллардан бошлаб Аджманда чиқарила бошланган моторли қайиқлар машхур бўлди. Кemasозлик шунчали машхурки мижозлар бошқа араб давлатларидан буюртма беришга келишади. Бу қайиқлар балиқ овига, денгиз саёхатига керак. Доу кемаларида Бирлашган Араб Амирликларига келадиган сайёҳлар саёхат қилишни жуда ёқтиришади.

Ажман эркин иқтисодий ҳудуди. 2003 йил ҳисоботларига кўра Ажман эркин иқтисодий ҳудуди ҳукумати томонидан 730 дан ортиқ компания рўйхатга олинган.²⁵ Бу эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этиш натижасида Ажманда саноат барқарор ривожланди. Ажман эркин иқтисодий ҳудуди Араб кўрфазига кириш яқинида қулай жойлашган

²⁵ UAE yearbook 2004.

бўлиб, у Шарқ ва Ғарб бозорларига хизмат қилиб келмоқда.

Ум Ал Кайвайн – майдони 777 квадрат километрни ташкил этади ва ярим оролда Аджман ва Рас Ал Хайма Амирликлари орасида жойлашагн. Аҳолиси 59 минг кишини ташкил этади. Аҳолининг анъанавий меҳнат фаолияти балиқчилик ва хурма меваларини етиштириш ҳисобланади. Ум Ал Кайвайндан 50 километр узоқликда Фаладж Ал Мулла Амирликнинг қишлоқ-хўжалиги тумани жойлашган. Шаҳардан 1 километрда жойлашган Сенейя ороли табиат қўриқхонаси ҳисобланади, у ерда йирик қушлар тури ва Ал Карам дарахти мавжуд.

Фуджайра – Амирликлар ичида энг ёши. Илгари у Шарджанинг бир қисми бўлган ва 1953 йилда мустақил бўлган. Амирликнинг аҳолиси 119 минг кишини ташкил этади.

Фуджайранинг жойлашуви бошқа Амирликлардан фарқ қилади. Барча Амирликлар Форс кўрфази соҳилида жойлашган бўлса, у Ҳинд океани соҳилида жойлашган.

Фужайра порти амирликнинг шарқий қирғоғида жойлашган ва у йилига 6000 кемани қабул қилиш қобилиятига эга. Кемаларнинг 80 фоизи портда ёқилғи олиш учун тўхтайдн. 2002 йилда Бирлашган Араб Амирликлари ташқи савдосининг 45 фоизи Фужайра орқали амалга оширилган ва 2.2 млрд. дирҳамдан (8.1 млрд. \$) 2003 йилда 3.3 млрд. дирҳамга (12.1 млрд. \$) ўсди.²⁶

Фужайра эркин иқтисодий ҳудуди. Фужайра эркин иқтисодий ҳудуди Фужайра порти билан ёнма-ён жойлашган бўлиб, ундаги компаниялар бир ҳафта ичида осонлик билан Араб кўрфазидаги, Қизил денгиздаги, Эрон, Ҳиндистон ва Покистондаги барча портларга чиқиш имкониятига эгадирлар.

Ҳозирда Фужайра эркин иқтисодий ҳудудида 22 мамлакатдан 220 дан ортиқ компания ўз фаолиятини бошлаган, шу билан бирга 572 млн.

²⁶ Fujairah Trade center маълумоти

дирҳамдан ортиқ инвевстиция жалб қилинди ва 3020 дан ошиқ иш ўринлари барпо этилди.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, Фужайра порти нефт маҳсулотлари экспорти ҳажми бўйича дунёда Роттердам ва Сингапур портларидан сўнг учинчи ўринда туради.²⁷

Амирликнинг асосий ажралиб турадиган ери унинг ажойиб табиатидир. Бу чиройли Ходжар тоғи, тоза денгиз ва ҳеч қайси Амирликда йўқ кўм кўк табиат. Фуджайра умумжаҳон денгиз клуби очилганидан сўнг бу ер катерлар пойгаси каби сув спорт мусобақалари ўтказиш ерига айланиб қолган. Амирлик портидан кўплаб юк ва йўловчи кемалари ўтади. Фуджайрада сайёҳлар бора оладиган учта кўриқхона мавжуд. Булар Ал-Вуррая шаршараси, Айн Ал Мадхаб боғи ва Айн Ал Гамур иссиқ сув булоғи.

Рас Ул Хайма Амирлиги Араб дунёсининг энг чекка қисмида жойлашган. Уммон султонлиги билан жанубий ва шимолий шарқда чегарадош. Бир нечта муҳим ороллар Амирликнинг бир қисм ҳисобланади. Улардан машхурлари Биггер Тунуб ва Смоллер Тунуб. Амирлик маркази Рас Ул Хайма шаҳри Хор Рас Ул Хайма номли кўрфаз билан икки қисмга бўлинади.

Амирлик аҳолиси 192 минг кишини ташкил этади. Рас Ул Хайма иқтисодиёти Бирлашган Араб Амирликлари тузилганидан бери катта маблағ сарфланаётган балиқчилик ва қишлоқ хўжалиги каби анъанавий соҳаларга асосланган. Асосий қишлоқ-хўжалиги майдонлари Дигдагга туманида жойлашган. Бу ерда 1955 йилдан бери қишлоқ-хўжалиги илмий текшириш маркази фаолият кўрсатади. Голландиядан келтирилган 600 та сигир жойлашган сут фермаси Рас Ул Хаймани Бирлашган Араб Амирликларидаги асосий қишлоқ-хўжалиги марказига айлантирган. Ҳозирги кунда Рас Ул Хайма қишлоқ-хўжалиги сут , гўшт, товуқ, тухум,

²⁷ UAE yearbook 2004.

мевалар ва сабзавотлар етиштиради. Бирлашган Араб Амирликлари қишлоқ хўжалиги вазирлиги Рас Ул Хаймада хурмо етиштириш бўйича илмий текшириш марказини назорат қилади. Бу Амирликда 45 дан ортиқ турдаги палма дархтлари ўстирилади.

Рас Ул Хайманинг яна бир аҳамиятли саноат тармоғи цемент ва бошқа қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳисобланади. Маҳаллий тоғлардан олинадиган тошлардан керамик плиталар каби турли хилдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводи ҳам мавжуд.

1980 йилларда Рас Ул Хаймада Салих шелфсимон нефт майдонлари топлган. Кичик ҳажмга қарамасдан аҳамиятли даромад манбаи ҳисобланади. Америкалик инвестор билан шартнома тузилгандан сўнг сохил ва шельфда нефт ва газ қидирув ишлари давом этмоқда.

Рас Ул Хайманинг портини Сакр, арабчасига Мина Сакр деб номлашади. У сўнги замон талабларига жавоб берувчи жихозлар билан жихожланган ва йилига 1500 дан ортиқ кемаларга хизмат кўрсатади. Порт 3 та 1800 метли кемалар тўхташ ери 9 та савдо кемаси ва 18 та майда кемалар қбул қила олади.

Замонавий Рас Ул Хайма аэропорти Дигдага қишлоқ-хўжалиги ерига яқинда жойлашган. У биринчи бўлиб 1979 йили очилган. Бугунги кунда унинг асосий терминали транзит йўловчиларга мукамал хизмат кўрсата олади. Ой давомида Рас Ул Хайма аэропорти 700 дан ортиқ рейсларини 15 минлаб пасажири ва 2 млн тонна юки билан хизмат кўрсата олади. Ҳозирда аэропорт янада кенгайтирилмоқда.

Раъс ал-Хайма эркин иқтисодий ҳудуди. Раъс ал-Хайма эркин иқтисодий ҳудуди 2000 йил 1 майда очилган бўлиб, бу эркин савдо ҳудуд миқозларга жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатиш ва Бирлашган Араб Амирликларида эркин рақобат муҳитини яратишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

2002 йил сўнгига кўра инвесторлар томонидан тахминан 100га яқин лойиҳага 120 млн. дирҳам капитал ажратилган. Бу лойиҳалар кемасозлик компанияларини ҳам ўз ичига олади. 2003 йил сўнгига кўра эса эркин иқтисодий ҳудуддаги 90 га яқин компанияларнинг Ялпи Бизнес ҳажми 141 млн. дирҳамни ташкил этган.

Шу кунларда Рас Ул Хайма Ал Холайлах оролида янги эркин иқтисодий ҳудудларни яратиш режаларини амалга оширмоқда.

Сўнги 40 йил ичида Амирлик таълим соҳасида ката ютуқларга эришди. Соводсизлик кўрсаткичи 7 % гача камайтирилди. Бошланғич, ўрта ва олий таълим Бирлашган Араб Амирликлари барча аҳолиси учун бепел.

Матолар, кийим кечаклар ишлаб чиқариш. 80 йиллар ўрталарида АҚШ ва Европага кийим кечак ва матолар экспорти учун квоталар берилган. Бу ушбу секторни жадал ривожланишига туртки бўлди. Фабрикалар худди ёмғирдан кейинги қўзқоринлар каби кўпайиб борди. Бир неча йилда уларнинг сони 150 тадан ошиб кетди. Аммо 90 йилларга келиб квоталар олиб ташлангандан кейин уларнинг тез ривожланиши тўхтади. Уларнинг йириклари Шарджа, Аджман ва Жабал Алида жойлашган. Корхоналарнинг 4 таси капитали дирҳамдан ошиқ, қолганлари капитали 500 минг дирҳамгача бўлган ўртача ва кичик фабрикаларни ташкил этади.

Целлюлоза-қоғоз ва полиграфия саноати. Бирлашган Араб Амирликларидаги нашриёт уйлари ва типографияларнинг (2005 йил маълумотларига кўра уларнинг сони 65та бўлган) ярми Дубайда миллий бозорнинг бостма эълон ва реклама маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондирган ҳолда фаолият кўрсатади. Қоғоз маҳсулоти ва буюмлари ишлаб чиқариш билан 2005 йилда 60 та фабрика шуғулланган. Уларнинг баъзи бирлари қоғозни макулатурани қайта ишлаш орқали ишлаб чиқаради. Жабал Али Эркин иқтисодий ҳудудида дарахт тахтасидан юпқа папирус, туалет қоғози, гигиеник салфеткалар ва сочиқлар ишлаб чиқарилади.

Метал махсулотлар, машинасозлик ва жихозлар. 2005 йилларда мамлакатда алюмин ойналар, метал мебеллар, ошхона жихозлари ва идиш товоқлар ишлаб чиқарувчи 320 дан ортиқ фабрикалар фаолият кўрсатган. 48 та фабрика кондиционерлар ва электр тақсимловчи шитлар ремонтлари ва ишлаб чиқарилиши билан шуғулланидилар. Буюк Британиялик ишлаб чиқарувчилар техник кўмаги ёрдамида, Дубай амирлиги ҳукумати ва Абу Дабилик акционерлар пул воситалари ёрдамида кабел завод қурилган. Бирлашган Араб Амирликларда кўплаб механик устaxonалар ва цехлар фаолият кўрсатади. Дунёдаги энг катта курук доклардан бири Дубайда жойлашган ва у 1 млн тоннагача сув кетадиган суппер танкерларни қабул қилиши мумкин.

Металлургия. Алюминий Бирлашган Араб Амирликларида муҳимлиги бўйича иккинчи (нефтдан кейинги) экспорт қилинадиган махсулот. Бутун дунёда DUBAL (Дубай Алюмин компанияси) савдо маркази машҳур ҳисобланади. Биринчи махсулотни комбинат 1979 йили тақдим этган. Уша вақтларда эритиш учун нефтнинг йўлдош газидан кенг кўламда фойдаланилар эди. Кейинчалик уни электр сиқиб чиқарди.

DUBAL энг етакчи алюмин эритиш методларини киритиш, тажриба яратиш ва маҳаллий юқори сифтли мутахассислар тайёрлаш палигони бўлиб ҳисобланади. Корхона учун хом ашё Жабал Али порти орқали импорт қилинади. У Алюминий куймалари экспорти учун ҳам фойдаланилади. Ундаги Al моддаси ҳажми 99,86% ни ташкил этади. Дунёдаги ишлаб чиқарувчиларнинг жуда оз қисми бундай метал тозалик кўрсаткичи билан фахрлана оладилар.

1990 йилда компания 170 минг тоннани қайта ишлаган, 1994 йили 245 минг тоннани, 2001 йили кенгайтириш ва реконструкциядан кейин 1.5 миллион тонна кўрсаткичи билан дунёдаги энг йирик Алюминий ишлаб чиқарувчилардан бирига айланган. Деярли қайта ишланган металнинг ҳаммаси Японияга экспорт қилинади.

Иккинчи ўринда яқида Дубайниқидан кейин Абу Дабида қўшимча Электростанция ва Сувни чучуклаштириш қурилмасидан иборат комплекс қурилган.

Таркибда етакчи бўлиб, 1971 йили ташкил этилган Абу Даби миллий нефть компанияси (ADNOC) ҳисобланади. Сўнги йилларда янги захиралар изланишларига, топилганларини ишлаб чиқаришга, нефт ва газ маркетингига катта аҳамият берилмоқда. Иккинчи ўринга секин аста нефтни қайта ишлаш, тақсимлаш, нефт маҳсулотлари ва суюлтирилган газ маркетинги ўтиб бормоқда. ADNOC Умм Ал Нар ва Рувайс шаҳарларида жойлашган иккита нефтни қайта ишлаш заводларига, Хабшандаги газни қайта ишлаш заводига, газ қувурларидаги газни тақсимлаш станциялар тизимига, Умм Ал Нардаги Хлор ишлаб чиқариш заводига эгалик қилади.

ADNOC компания гуруҳлари нефт ва газ индустриясининг барча секторларида фаолият кўрсатади. Буларга қазиб олиш, бурғалаш қуруқликда ва денгизда, кўрфаздаги техник таъминот ишлари, танкерлар орқали транспартировка, нефт ва нефт маҳсулотларини тақсимлаш ва ўғитлар ишлаб чиқариш ҳам киради.

Abu Dhabi Company for Onshore Oil Operations (ADCO) – Форс кўрфазининг қирғоқларида иш олиб боувчи шимолий қисмидаги энг йирик Абу Даби нефт қазиб чиқарувчи компания. Унинг фаолиятига Абу Даби амирлиги ва сохилдаги – қидирув, бурғалаш, ишлаб чиқариш ва экспорт операциялари киради.

Abu Dhabi Marine Operating Company (ADMA-OPCO) – Абу Даби амирлиги шельфидаги, Умм Шайф ва Закум конларида нефт ва газ қидирув, тадқиқот, қазиб олиш ишлари билан шуғилланади. Олинган нефт ва газнинг бутун қисми Дас оролига транспартировка қилинади. У ерда компаниянинг газ ва нефти сақланади.

Zakum Development Company - ZADCO), 1977 йили ташкил этилган. Дунёдаги энг йирик конлардан бири Юқори Закум, Умм Ал Далх ва Сатах

конлари билан шуғулланади. Қазиб олиш ADNOC ва Japan Oil Development Company (JODCO) компаниялари биргаликда олиб борилади.

1966 йили 6 июнда Дубай Амирликларида Фатех номли ерда биринчи йирик нефт кони топилган ва деярли икки ярим ойдан сўнг экспорт қилиниши йўлга қўйилган. Фатех, Рашид ва Фалехдаги нефт қазиб олиш билан Dubai Petroleum Company (DPC) шуғулланади. Кунлик хажм 170.000 баррел суткасига.

APCO International Oil & Gas Company (ARCO) компанияси 1982 йилдан бери Мағхам газ ва газкондитсат конида фаолият кўрсатади. Кунлик ишлаб чиқариш – 6000 баррел кандитсат.

Шаржада нефт қазиб олиш билан BP Amoco Sharjah Oil Company шуғулланади. Кунлик ишлаб чиқариш 45.000 баррел нефт ва 700 куб фут газ. Асосий конлар Саджа, Мовейейд, Кафаиф ва Мубарак шельфи.

Нефтни қайта ишловчи заводлар. Биринчи нефтни қайта ишловчи қуввати 15.000 баррел кунига бўлган завод 1976 йили Абу Даби Амирликларидаги Умм ал Нар оролида очилган. 1983 йили бу завод 75.000 баррел кунига қайта ишлаган ва лигроин, бензин, керосин, дизель ёқилғи ва мазут ишлаб чиқарган. Абу Даби Амирликларида Руваисда 1981 йили йирик қуввати 120.000 баррел кунига қайта ишлайдиган завод очилган. 2005 йилга келиб ишлаб чиқариш қуввати 50% га ошган. Умм ал Нардаги каби махсулотлар ва қўшимча кемалар учун дизил ёқилғи ва олтингугурт ишлаб чиқаради. Суюлтирилган газ ишлаб чиқарилади келгусида GASCO компаниясида қайта ишлаш учун.

Мутахасислар аниқлашича газнинг жаҳон захираси 150 трилион куба метрни ташкил этади. Ушбу захиранинг 4 % (6 трлн. куб.м) Бирлашган Араб Амирликлари майдонига: 92 % абу-даби амирликларига, 5 % Шарджа ва 2 % Дубайга тўғри келади. Ҳозирги кунда қазиб олинаётган газнинг 55 % қисми мамлакат эҳтиёжи учун фойдаланилади. Қолган қисми суюлтирилган ҳолатда экспорт қилинади. ADNOC компанияси Abu-Dhabi

Gas Liquefaction Co (ADGAS – Абу даби газни суялтривчи компанияси) ва Abu-Dhabi Gas Industries (GASCO – Абу даби газ саноати компанияси) компаниялари билан биргаликда бирқанча йирик газ саноатига боғлиқ лойихаларни амлага оширмоқдалар.

GASCO – дунёдаги энг йирик газни қайта ишловчи компаниялардан бири. У 1981 йилда ташкил топган ва уша вақтдан ҳозиргача табиий ва йўлдош газни қайта ишлаш билан шуғилланади. Рувас ва Абу Даби газ конларидан олинган газ электростанциялар ва нефт кимё саноати эҳтиёжи учун етказиб берилади. Аммо шундай бўлсада газнинг ката қисми экспорт қилинади.

Dubai Gas Company (DUGAS) Жабал Али эркин иқтисодий ҳудудида 1980 йилда ташкил этилган. Нефтнинг йўлдош газини, бутан ва пропанни экспорт учун, газ конденсати еғиш, электр энергия ишлаб чиқаришга, сувни чучуклаштиришга ва алюмин эритиш учун метан ва этанни қайта ишлаш билан шуғилланади.

Захиралар чекланган ва келгусида 50-100 йилдан кейин юзага келиши мумкин бўлган муаммо бошқа мамлакатларда каби бу ресурсларнинг, яъни нефт ва газнинг тугашидир. Араблар бу муаммони ечишга ўз вақтида кириришишди ва нефт игнасида тушиб иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига пул киритишни бошлади.

Нефтнинг ишлаб чиқарилиши иқтисодиётнинг яхлит ривожланишига туртки бўлди ва биргаликда туризм, йўлларнинг инфратузилмаси, дениз портлари, аэропортлар, қувирлар, савдо марказлари, баланд бинолар, мактаблар, шифохоналар ва бошқлар ривожланди.

Унумдор ерларнинг чегаралангани ва сувнинг етишмовчилигида қишлоқ хўжалигининг ривожлантирилиши жуда қалтис эди. Кўпчиликнинг фикрича нефт ва газдан тушадиган валютанинг бир қисми озиқ-овқатга сарфланиши тўғрироқ эди. Шунга қарамасдан ҳукуматнинг таваккалчилиги ва узоқни кўра билиши ўзини оқлади. Бозор маҳаллий

экин майдонларида етиштирилган сабзавотлар ва хўл мевалар билан тўла, консервалаш саноати хом-ашё билан таъминланган, етиштирилган махсулот бир қисми қўшни мамлакатлар ва Европага экспорт қилинади. Катта нефт захиралари туфайли Бирлашган Араб Амирликлари кўрфаз соҳилидаги чўлдан гуллаб яшнаётган мамлакатга айланди. Абу Дабидан 170 км узоқликда жойлашган Сир Бани Яс ороли Амирлик президенти Шейх Заид Аль Нахайянга тегишли. У чўл оролда Боғ шаҳарни яратган. Бу ерда зич қилиб 3 миллионта дарахтлар экилган. Бирлашган Араб Амирликларида «Яшил Амир» деб номланган Заид раҳбарлик даврида 120 миллиондан ортиқ дарахтлар экилган.

Етарлича кўпахоли сонли бўлмаган лекин бой аҳолига эга Бирлашган Араб Амирликларида Индустриализация капитал сиғимли ва жадал бўлиши керак. Замонавий саноат ва биринчм ўринда юқори технологик сектор кўп сонли юқори малакали иш кучини талаб этади. Амирлик ҳукумати миллий техник кадрлар тайёрлашда кўп ҳаракат қилмоқда.

Таълим тизими шундай тузилиши керакки, унда ўқув юртлари битирувчилари меҳнат бозори талабларига жавоб бериши керак. Афсуски ҳозирча ўқувчилар ва талабалар ўзларининг ижодий қобилиятларини эмас, балки ўқув материалларини ёдлашга йўналган.

Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати илмий изланишларни назорат қилувчи ва унга жавоб берувчи махсус бошқарув органи зарурияти ҳақида жиддий ўйлаб кўриши керак. Хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда университет ва саноат марказлари қарамоғида Бирлашган Араб Амирликлари ёш ва маҳоратли фуқоролари ўз қобилиятларини кўрсата олиши ва амалда қўллаши учун илмий текшириш марказлари ва лабораториялар очиш зарур. Намуна қилиб Internet City – талабалар учун эркин ва илмий ишлари учун очилган лойиҳасини кўрсатиш мумкин. Абу Дабида Higher Technology Campus (Юқори

технологиялар университет талабалар шаҳарчаси) га қарашли CERT (Centre for Excellence in Research & Technology – Технология ва изланишлар маркази) ёшларни техник ижодини рағбарлантирувчи лойиха фаолият кўрсатмоқда

Форс кўрфази мамлакатлари доирасида илмий изланишларнинг йўналишини белгилаб олиш зарурдир. Бунда минтақа дунёга нафакат нефт ва газ захириалари миқдори билан , балки технологияларнинг юқори даражада ривожланганлиги билан машҳур бўлади.

Бирлашган Араб Амирликлари сувни чучуклаштириш, куёш энергиясидан фойдаланиш, тупрокни тузсизлантириш, хавони кондиционерлаш каби соҳаларда етакчи ўринларни эгаллаши керак.

Шуниси аёнки ҳар бир Амирликнинг ривожлантирилиши уларнинг ўзига хос эҳтиёж ва имкониятларига қараб режалаштирилмоқи зарурдир. Шунинг учун Бирлашган Араб Амирликлари бошқаруви ҳар бири ўз минтақаси талабларига жавоб берувчи ривожланиш йўллари талламоқдалар. Шунини айтиб ўтиш керакки ҳар бир Амирлик Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётида ўзининг нефт, сайёҳлик, маданият, бизнес маркази каби ўрнига эгадир. Шундай экан уларнинг бирортасининг аҳамиятини айтмай ўтиш қийиндир. Бирлашган Араб Амирликларини ҳосил қилувчи етти Амирлик ҳажми, ресурс потенциали, тарихи, маданияти, тузилишига кўра турли хил бошқрув тизимига эгадир. Шундай бир хил эмаслик Бирлашган Араб Амирликларининг нисбатан Янги мамлакатлиги билан тушунтирилади ва у туфайли яқин кунгача қисмлари ўзича шаклланган. Ҳозирда ушбу ўзига хосликлар Амирликларнинг мамлакат иқтисодиёти, сиёсий ва маданий ҳаётидаги ўрни даражасини белгилаб беради.

2-боб бўйича хулосалар

БАА иқтисодиётининг тармоқ ва географик таркиби ва ундаги ўзгаришлар йўналишлари таҳлилидан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. БААда 2007-2014 йиллар давомида ялпи ички маҳсулот ҳажми 257 млрд. АҚШ долларидан 422 млрд. АҚШ долларигача ўсди. БААда таҳлил қилинаётган давр мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми умуман ўсиш тенденциясига эга бўлган. Фақат 2009 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўтган йилга нисбатан қисқариши кузатилади. Шу йили 2008 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми 19,2 фоизга камайиб, 254,8 млрд. долларга тушиб қолди. Бунга сабаб эса 2007 йилнинг охирида АҚШ ипотекали кредит тизимидан бошланиб кейинчалик жаҳоннинг барча мамлакатларини қамраб олган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ҳисобланади.

2. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2007-2013 йиллар давомида БАА иқтисодиётининг тармоқ таркибида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Амалга оширилаётган диверсификация сиёсатининг натижаси ўлароқ 2007 йилга нисбатан 2013 йилда нефть ва нефть маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 36 фоиздан 33 фоизгача қисқарди. Айтили вақтда мамлакат иқтисодиётида кўчмас мулкнинг улуши 9 фоиздан 12 фоизга, транспортнинг улуши 7 фоиздан 9 фоизга, қурилишнинг улуши 7 фоиздан 9 фоизга ўсди.

3. Сўнгги йилларда БААда нефтдан бошқа тармоқларнинг юқори суръатларда ривожланиши кузатилмоқда. Хусусан, 2008-2014 йиллар давомида мамлакатда реэкспорт ҳажми 94,2 млрд. доллардан 164,8 млрд. долларгача, яъни 64,8 фоизга, нефтдан бошқа тармоқларнинг экспорт ҳажми 43 млрд. доллардан 114,8 млрд. долларгача, яъни 167 фоизга ўсди. Айтили вақтда нефть ва нефть маҳсулотлари экспорти ҳажми 91,4 млрд. доллардан 108,3 млрд. долларгача, яъни 18,5 фоизга ўсди, холос.

4. БААда иқтисодиётни диверсификациялаш сиёсати қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- нефть ва нефть маҳсулотлари экспортидан олинadиган даромадларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари – қурилиш, транспорт, савдо, халқаро туризм, инфратузилма тармоқларига қайта тақсимлаш ва шу орқали мамлакатда кўп тармоқли иқтисодиёт таркибини шакллантириш;

- мамлакатда бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитларни барпо этиш орқали мамлакат иқтисодиётига йирик миқдорда хорижий инвестициялар жалб этишга эришиш;

- халқаро туризм ва унинг инфратузилмасини такомиллаштириш орқали туристлар оқимини кўпайтириш. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2014 йилда туризм соҳасига хорижий инвесторлар томонидан 10,2 млрд. АҚШ доллари миқдорида капитал қўйилган бўлса, давлат бюджетидан 1,3 млрд. АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам кўрсатилган;

- транспорт соҳасини устун даражада ривожлантириш орқали йўловчи ва юк ташиш ҳажминини муттасил ошириб бориш. Бугунги кунда “Emirate Airlines” миллий авиакомпанияси 100 дан ортиқ йўналишларда қатновларни амалга оширмоқда.

5. Бирлашган Араб Амирликлари ҳудудий жиҳатдан 7 та амирликка бўлинади. Бу Абу Даби – пойтахт шаҳар, Дубай, Шарджа, Аджман, Ум Ал Кайвейн, Фуджайра, Рас Ул Хайма. Баъзи бир адабиётларда мамлакатнинг ҳудудий таҳлилида 3 қисмга бўлиб таҳлил қилинади. Бу Абу Даби, Дубай ва Шимолий Амирликлар (Шарджа, Аджман, Ум Ал Кайвайн, Фуджайра, Рас Ул Хайма).

III БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРКИБИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ БЎЙИЧА БАА ТАЖРИБАСИДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ

3.1. Ўзбекистон иқтисодиётини диверсификациялашнинг асосий йўналишлари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларининг ўрни бекиёс ҳисобланади.

Сўнги йилларда мамлакатни модернизациялаш жараёни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кенг амалга оширилмоқда. Айниқса, ушбу йўналишлар орасида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш муҳим ўрин тутди.

Зеро, миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали амал қилишини таъминлаш, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тараққиёти даражасига олиб чиқиш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан «чидамлилиги», мустақил ривожлана олиш имконият ва салоҳиятлари айнан иқтисодиёт турли даражалари ишлаб чиқариш жараёнларидаги туб ислохотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқдир. Бироқ, шу билан бирга ишлаб чиқаришни модернизациялаш ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ. Яъни, барча соҳа ва жабҳалар ўртасида жадал ислох этиш ва модернизациялаш жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантиқий мувозанатни

таъминлашга ҳаракат қилиш лозим. Шу ўринда, модернизациялаш жараёнининг жамиятнинг ҳар бир аъзосини онглилиги ва мустақиллигини оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки, иқтисодиёт ҳамда мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини модернизациялаш энг аввало ушбу жараёнларда иштирок этувчи, уларни амалга оширувчи ва доимий равишда такомиллаштириб боровчи жамият аъзолари дунёқараши, тафаккурининг ўзгариши, уларнинг демократик ва туб ислохот жараёнларидаги фаоллиги ошишига бевосита боғлиқдир.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш борасида 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастур муҳим аҳамият касб этади. Дастурнинг асосий мақсади – республикасаноатини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада оширишдан иборат.

Дастурнинг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Структура ҳосил қилувчи тармоқларни ва умуман саноатни ривожлантиришнинг иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш;

- Мамлакатимиз саноат маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, республика саноати ва умуман иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга

боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткичлар ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни илдам ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;

- Саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илм-фан ютуқлари ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

- Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

- Ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш;

- Меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннарихини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобига саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;

- Саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш.

Мамлакатимизда етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Мақсадли давлат ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш;
- Юқори қўшилган қиймат яратувчи тармоқлар улушини ошириш;
- Саноатни ривожлантиришда хорижий инвестициялар ва банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;
- Саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;
- Инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электр энергияси, транспорт ва бошқалар);
- Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш;
- Енгил саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- Чарм хомашёсини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш;

- Халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва улар билан бозорни тўла таъминлаш;

- Маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш;

- Маҳаллийлаштириш дастури ва халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржалари доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;

- Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш;

- Ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашга кўмаклашувчи Давлат дастурлар асосан қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда :

- умимий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва хўжаликлараро йўллар қурилиши, таъмирланиши ва қайта жиҳозланиши;

- темир йўллари қурилиши ва электрлаштирилиши;

- электр станцияларини модернизациялаш, юқори вольтли электр узатиш линияларини қуриш ва таъмирлаш;

- газ узатиш тизими ва газ тақсимлаш линияларини қуриш ва капитал таъмирлаш;

- хом ашё компонентларини ишлаб чиқариш мақсадида йирик саноат корхоналари қурилишини молиялаштириш;

- маҳаллий бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириш;

- янги технологиялар ривожлантирилишига кўмаклашиш ва илм-фан ва саноат ўртасида ўзаро алоқаларни таъминлаш;

- логистика марказларини ривожлантириш.


Иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш бўйича ислохотлар бевосита Ҳукуматимиз раҳнамолигида, миллий корпорациялар, компаниялар, корхоналар ўз маблағлари ва бевосита жаҳондаги энг йирик ва машҳур АҚШнинг “Женерал Моторс”, “Тексако”, Германиянинг “МАН”, “Даймлер Бенц”, “Клаас”, Буюк Британиянинг “БАТ”, Испаниянинг “Максам”, Япониянинг “Исузу”, “Иточу”, Малайзиянинг “Петронас”, Кореянинг “Кореан Эйр”, “CNOС”, “LG”, Хитойнинг “СNРС”, Россиянинг “Лукойл”, “Газпром” каби компаниялари, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки сингари йирик халқаро молия ташкилотлари, Жанубий Корея, Япония, Хитой ва бир қатор араб давлатлари инвестиция банклари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация этиш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг экспортдаги ҳажмини кенгайтиришга қаратилган инвестиция фаолиятини тартибга солувчи 50 дан ортиқ ҳуқуқий-ҳужжат қабул қилинди, жумладан, “Концессиялар тўғрисида”ги, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунлар айна шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларга қарамасдан, Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона ва одилона иқтисодий сиёсат ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига ижобий натижаларга эришилмоқда, иқтисодиётимиз тармоқларида жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлари кузатилмоқда. Ушбу омиллар

биринчи галда ҳалқимиз турмуш фаровонлигини юксалишига олиб келади, шунингдек мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини мустаҳкамланишига олиб келади ва мамлакатимизда барақарор иқтисодий ўсиш даражасини таъминлайди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида дастлабки иқтисодий ўсиш 1996 йилда қайд этилди. Шу йили мамлакатимизда МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб ЯИМ ҳажмининг ўтган йилга нисбатан кўп бўлишига эришилди.



3.1--расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш соҳасида эришилган ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлашда 1997 йил алоҳида ўрин тутади. Айнан мазкур йилда ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръатлари аҳоли сони ўсиш суръатларига нисбатан юқори бўлишига эришилди. Агар 1997 йилда ЯИМ ҳажми 1996 йилга нисбатан 5,2 фоизга ўсган бўлса, аҳоли сонининг кўшимча ўсиш суръати 1,8 фоизни ташкил этди. Бу ижобий тенденциялар 1998-2000 йилларда янада мустаҳкамланди ва мазкур йилларда ЯИМнинг кўшимча ўсиш суръати 4-4,5 фоизни ташкил этди. Кейинги йилларда ЯИМнинг кўшимча ўсиш суръатлари қуйидагича бўлди: 2000-2003 йилларда – 3,8-4,2 фоиз, 2004-2006 йилларда – 7-7,7 фоиз, 2007-2008 йилларда – 9-9,5 фоиз, 2009-2014 йилларда – 8-8,5 фоиз.

2007 йилнинг охирида АҚШдан бошланиб, кейинчалик жаҳоннинг барча мамлакатларини қамраб олган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз учун яна бир синов вазифасини ўтганини алоҳида қайд этиш лозим. Бу синовдан Ўзбекистон муносиб тарзда ўтди. Чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилган самарали иқтисодий сиёсат натижасида шаклланган омиллар шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақланиб қолишини таъминлади. Глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрилиши натижасида Ўзбекистонда ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръатлари 2008 йилда 9,0 фоизни, 2009 йилда эса 8,1 фоизни ташкил этди ва бу жаҳондаги энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлди (2009 йилда МДХ мамлакатлари бўйича ўртача 6,7 фоиз ҳажмидаги иқтисодий пасайиш кузатилди). Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатлари 8-8,5 фоиз атрофида барқарорлашди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ялпи ички маҳсулот таркибининг такомиллашиш билан бирга борди.

3.1-жадвал

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотида саноат сектори улуши ўзгариши, бошқа секторларга қиёсан, фоизда

Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014
Саноат	14,2	20,7	24,0	24	24	24,1	24,2
Қишлоқ хўжалиги	30,1	25,0	17,5	17,6	17,5	17,6	17,2
Қурилиш	6,0	4,9	6,4	6,1	5,9	6,0	6,8
Хизматлар соҳаси	37,2	38,4	45,1	43,5	44,0	43,8	43,2
Соф солиқлар	12,5	11,0	7,0	8,8	8,6	8,5	8.6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик тўпламлари асосида тузилган

Ўзбекистонда бозор муносабатларини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқариш таркибий тузилишини такомиллаштириш сиёсат натижасида 2000 йилга нисбатан 2014 йилда ялпи ички маҳсулотда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг улуши 14 фоиздан 24,2 фоизгача, хизмат соҳасининг улуши 37,2 фоиздан 44,2 фоизгача юксалди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда 2010 йилдан бошлаб саноат сшлаб чиқаришининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши кишлоқ хўжалиги улушидан юқори бўлиши кузатилмоқда. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизация ва диверсификациялаш жараёнларининг натижасидир.

3.2. Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни диверсификациялашда БАА тажрибасидан фойдаланиш йўналишлари

Ҳозирги кунда Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёти юқори даражада ривожланиб келмоқда. Унинг аҳоли ўртача йиллик даромади киши бошига 30 минг АҚШ долларига тенглиги²⁸ ва бу кўрсаткич жаҳондаги юқори кўрсаткичлардан бири деб айтиш мумкин. "Меррилл Линч" инвестицион банки маълумотига кўра Бирлашган Араб Амирликларида 78 минг миллионер истиқомат қилади ва уларнинг мол мулки умумий ҳисобда 160 миллиард АҚШ долларида ошади.

Бугунги кунда Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодий ривожланиш даражасига кўра Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда марказий Осиё мамлакатлари ичида учинчи ўринда турибди.

Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёти бошқаларни қизиқтиришига сабаб бу ерда яхши мўтадил сиёсий тизим, иқтисодиёт ва ривожланиш сурати мавжуд. Бу мамлакат солиқларсиз хар қанақа товарлар олиб кириш ва олиб чиқиш имкониятини яратиб берган. Эркин иқтисодий

²⁸ <http://siteresources.worldbank.org/DATASTATISTICS/Resources/GDP.pdf>

худудлари мавжуд.

Асосий ўсиш нефт билан боғлиқ бўлмаган соҳаларга тўғри келмоқда. Экспортларнинг фикрича Бирлашган Араб Амирликларидаги охириги уч декадасидаги иқтисодиётидаги ўсиш дунёдаги энг яхши кўрсаткичдир. Бунда инвестициялар ўрни жуда катта ва у умумий ҳисобда 6000 миллиард дирҳамга (163 миллиард АҚШ доллариға) тенгдир.

Лондон илмий текширув гуруҳи маълумотларига кўра Бирлашган Араб Амирликларида 2014 йилда нефт қазиб чиқариш ҳажмининг ўсиши иқтисодиётнинг бу сектордаги даромад ҳажмининг 37.6 миллиард АҚШ доллариға етишиға сабаб бўлди. Шу билан биргаликда ташқи тўлов балансининг ижобийлиги ва инфляциялар устидаги назорат сақланиб қолди.

Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати Илмий текширувларға жавоб берадиган махсус орган зарурияти ҳақида кўп ўйлаб кўришлари керак. Хорижий малакалардан тажрибаларидан фойдаланган ҳолда Бирлашган Араб Амирликлари ёш ва қобилиятли аҳолисига ўз қобилиятларини намоён қилиб улардан амалиётда фойдаланишлари учун илмий текшириш марказлари, институтлар ва индустриал марказлар қарамоғидаги лабораториялар очиш керак. Мисол қилиб Абу Дабидаги мавжуд Higher Technology Campus қарамоғидаги CERT (Centre for Excellence in Research & Technology) ёшларни техник қобилиятларини рағбатлантирадиган лойиҳани олиш мумкин.

Минтақа жаҳонда фақатгина катта нефт ва газ заҳиралари билан эмас балки технологияларнинг юқори ривожланиш даражаси билан машҳур бўлиши керак.

Бирлашган Араб Амирликлари сувни чучуклаштириш, ер таркибини тузсизлантириш, қуёш энергиясидан фойдаланган ҳолда ҳавони кандидианерлаш каби соҳаларда етакчи бўлиши керак.

Кун тартибида Эркин Иқтисодий Ҳудудлар раҳбарияти билан

юкларни расмийлаштириш ва атроф муҳитни ҳимоя қилишга қаратилган ҳамкорлик қиладиган махсус орган яратиш турибди.

Юқоридаги режаларни амалга ошириш иқтисодиётда тармоқ таркибини ривожлантириш Бирлашган Араб Амирликларига келгусида юқори даражада ривожланган индустриал давлатлар билан бир қаторда туришига ёрдам беради.

Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётини Ўзбекистон билан солиштирадиган бўлсак Бирлашган Араб Амирликларида нефт экспортига боғлиқ иқтисодиётдан таркибий жиҳатдан ривожланган иқтисодиётга қараб ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Ўзбекистонда битта соҳага Амирлик қаби боғлиқли бўлмасида лекин улар қаби келажакда Иқтисодиёт таркибини ривожлантириш геоиқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиши ва мамлакат ривожланиш даражасини ижобий тарафга ўзгаришига олиб келади.

Бирлашган Араб Амирликлари мисолида шу нарса кўриниб турибдики жаҳон бозор иқтисодиёти ўзгаришларига боғлиқ бўлмаган мўтадил мустақил ривожланиб борувчи иқтисодий тизимни яратиш фақатгина иқтисодий барқарор барча ривожлантиришга таъсир қилувчи моддий, молиявий ва асосан инсон факторига боғлиқ.

XX асрнинг охири-XXI асрнинг боши халқаро меҳнат тақсимоти, халқаро капитал, ресурслар бозорида миллий иқтисодиётлар иерархиясига асосланган янги жаҳон хўжалиги тизимининг шаклланиш даври ҳисобланади.

Жаҳон хўжалик тизими ривожланишидаги бундай янги йўналишлар халқаро иқтисодий муносабатларнинг турли шакллари вужудга келишига ва тараққий топишига олиб келмоқда. Натижада миллий иқтисодиётларнинг жаҳон бозорига боғлиқлиги кучаймоқда ва ташқи иқтисодий фаолият иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг асосий шартларидан бирига айланмоқда. Жаҳон хўжалик

тизими ривожланишидаги бундай янги йўналишлар халқаро иқтисодий муносабатларнинг турли шакллари вужудга келишига ва тараққий топишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётини глобаллаштириш, унинг жаҳон хўжалиги тизимига тобора уйғунлашиб боришини таъминлаш ва экспортни рағбатлантириш орқали миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспортга йўналтирилган фаолиятларини ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон томонидан минтақа транспорт инфратузилмаси ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан Президентимиз Ислон Каримов томонидан таклиф қилинган Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Омон-Қатар транспорт йўлаги ташкил этиш катта аҳамиятга эгадир. Шу йўлак орқали Марказий Осиё давлатларига Форс кўрфазидagi катта бозорларга йўл очилади. Бу бозорларнинг йиллик импорти 335 миллиард АҚШ долларини ташкил этади²⁹. Уни амалга оширишда юртбошимиз томонидан катта ишлар қилинмоқда. Қатарга амалга оширилган расмий ташриф шу йўлак истиқболи юзасидандир.

Бирлашган Араб Амирликлари ва Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик алоқалар 25 октябр 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Ваколатхона Дубайда очилиши билан ўрнатилди. Бирлашган Араб Амирликларининг Ўзбекистондаги Ваколатхона 2006 йилдан ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистон республикаси президенти И.Каримов ташаббуси билан 2007 йилдан бошлаб Абу Даби шаҳрида бизнинг элчихона Бирлашган Араб Амирликларида фаолиятни бошлаган. 2007 йилдан бошлаб икки тамонлама алоқалар жонлашиши кузатилган. 26 октябр 2007 йилда Ўзбекистонга Бирлашган Араб Амирликлари бош вазири, Дубай Амири Шайх Муҳаммад бин Рашид Ал Мактум расмий ташрифи амалга ошди. Ташриф давомида Президентимиз И.Каримов

²⁹ Новости Узбекистана - ANONS.UZ

Ўзбекистон Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги алоқалар катта аҳамиятга эга деб тўхталиб ўтди. Шу билан биргаликда тарафларнинг жаҳон сиёсий масалаларига қарашлари ўхшашлиги ва иқтисодий алоқаларнинг борган сари кенгайётганини айтиб ўтдилар. Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири Шайх Муҳаммад бин Рашид Ал Мактумнинг Тошкентга ташрифи натижасида икки тарафлама алоқларнинг мустахкамлаш ва ривожлантириш тўғрисидаги битим тузилди.

5 ноябр 2007 йил Ўзбекистонга Бирлашган Араб Амирликлари Ички Ишлар Вазири Шайх Сейф бин Заед Ал Нахаян ташриф буюрди. Мехмон Президентимиз И.Каримов томонидан қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари Жаҳон ва минтақавий БМТ каби кўпгина Жаҳон ташкилолари доирасидаги масалалар бўйича ҳамкорлик қилишмоқда. Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида борган сари Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. 2014 йилда Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги товар айланмаси 93.1 АҚШ долларини ташкил этган. Ўзбекистон Бирлашган Араб Амирликларига пахта толаси, рангли металллар, шойи, газламалар, сабзавотлар экспорт қилинмоқда. Бирлашган Араб Амирликларидан резина, каучук, кийим-кечак, техника товарлари, қурилиш моллари, мебел ва транспорт воситалари импорт қилинмоқда. Ўзбекистонда Бирлашган Араб Амирликлари сармояси иштирокидаги 68 та корхона фаолият кўрсатмоқда, улардан 31 таси 100% ли капитал билан тузилган.³⁰

1992 йилдан бошлаб мамлакатлар орасида «Ўзбекистон ҳаво йуллари» томонидан Тошкент-Шарджа-Тошент авиорейс маршрути бошланган. 7 март 2008 йилдан бошлаб Тошкентни савдо ва сайёҳлик маркази Дубайни боғловчи «Ўзбекистон ҳаво йуллари» нинг биринчи

³⁰ www.mfa.uz Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар Вазирлиги расмий сайти

рейси амалга ошди.

Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликларида эркин иқтисодий ҳудудлар мавжуд.

Эркин иқтисодий ҳудудлар халқаро иқтисодий муносабатларнинг ана шундай ажралмас қисми сифатида жаҳон хўжалигида муҳим ўрин тутмоқда. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг жаҳон хўжалик тизимида тутган ўрни энг аввало, шу билан белгиланадики, улар халқаро товар алмашинувини фаоллаштиришни, инвестицияларни сафарбар этиш, иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш эвазига жадал иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди шулар жумласидандир.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси 2008 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида биноан замонавий юқори технологияли корхоналарни ишга тушириш, саноат салоҳияти, ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда хорижий, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароит яратиш мақсадида ташкил этилган.

Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодий ўсиш суратлари жаҳонда энг юқорилардан бири бўлиб, «Жабал Али» эркин иқтисодий ҳудуди дунёдаги энг яхши натижага эришган ҳудуддир. Мамлакат иқтисодиётининг ўсишига шу ҳудуд аҳамияти жуда катта. БАА тажрибасидан фойдаланган ҳолда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий ҳудудини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Бирлашган Араб Амирликлари мисолида шу нарсга кўриниб турибдики жаҳон бозор иқтисодиёти ўзгаришларига боғлиқ бўлмаган мўтадил мустақил ривожланиб боровчи иқтисодий тизимни яратишдир. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудидаги корхоналарнинг асосий фаолияти етиб қуйидаги йўналишлар белгиланган:

автомобилсозлик, аниқ машинасозлик, электроника ва электр техникаси, фармацевтика ва тиббиёт буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, пластмассаларни қайта ишлашга замонавий, юқори самарали ускуналар, инновация технологияларини жорий қилган ҳолда, кенг турдаги юқори технологияли, экспортга йўналтирилган, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида биноан “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият юритадиган резидентлар учун мисли кўрилмаган қулай имтиёзлар белгиланган. Бу деярли солиқсиз, имтиёзли валюта режими, шунингдек, чет эллик ходимларнинг мазкур зонада бўлишининг соддалаштирилган тартибни ўз ичига олади. Бугунги кунда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудуди янги ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритиши учун тайёр ҳолга келтирилган, барча муҳандислик коммуникациялари қуриб битказилган. Бундан ташқари Жаҳон автотрассасидан Навоий аэропортигача катта тўрт қаторли кенг автомагистрал қурилиши амалга оширилмоқда. Маъмурий, банк-молия ва бошқа тегишли хизматларни кўрсатиш учун маъмурий ва молиявий марказ бинолари қурилган. Импорт ва экспорт маҳсулотларни расмийлаштириш ишларини амалга ошириш учун божхона постининг қурилиш ишлари нихоясига етказилди. Ҳозирги кунда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида 16 лойиха амалга оширилмоқда. Айни кунгача 5 корхона иш бошлади. Жорий йилнинг охиригача яна 7 лойихани амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу лойихалар доирасида энергия тежайдиган лампалар, LCD мониторлар, электрон газ хисоблагичлари, тайёр дори-дармон воситалари, генераторлар, компрессорлар ва “GM Uzbekistan” корхонаси автомобиллари учун ускуналар блоклари сингари замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

“АгроФресх” корхонаси “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий

зонасида биринчилардан бўлиб очилган қўшма корхоналар сирасига киради. Ушбу янги корхона “Марказсаноатэкспорт” ГАВК ва Бирлашган Араб Амирликларининг “Kefayat General Trading Co” компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Қўшма корхона 3000 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш имконини берадиган, харорат газ орқали бошқариладиган, Италиянинг музлаткич ускуналари билан жихозланган. Лойиханинг умумий қиймати 5,03 миллион долларни тасхил этади. Бу ерда йигирмадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Корхона маҳсулотининг қарийб 50 фоизи экспортга чиқарилади.³¹

Таъкидлаш жоизки, юқорида санаб ўтилган барча ишлаб чиқариш корхоналари замонавий, юқори технология ускуналари билан жихозланган бўлиб, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда янада катта имкониятларни беради. Ундан ташқари жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларни такомиллаштирилишида иқтисодий ҳамкорликлар ва муносабатларни ривожлантириш катта аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Ҳамда кўп қиррали инвестиция, хусусан янги технологияларнинг олиб кирилиши, сифатли ва жаҳон стандартларига жавоб берувчи асбоб-ускуналарни жорий этиш йўллари мамлакатимиз истиқболи учун муҳим ўрин эгаллайди.

Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик катта аҳамиятга эга. Чунки бу соҳа иқтисодиётнинг энг тез ривожлантирувчи соҳаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб ўз тараққиётнинг асоси сифатида хусусий мулкчиликка асосланган ва кучли ижтимоий йўналтирилган бозор қтисодиётини барпо этишга қаратилган сиёсатни амалга ошириб келмоқда. Ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қуватлаш ва ривожлантириш масаласи айнан юқоридаги давлат иқтисодий сиёсатининг узвий бўлагидир.

³¹ <http://www.jahonnews.uz/uzb/news/economy>

Маълумки республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарали ташкил этилиши маҳаллий хомашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш, ички бозорни истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдириш каби долзарб муаммоларни ички имкониятлар ҳисобидан тўлиқ бартараф этишга имкон беради.

Бозор талабига кўра ва истеъмолчиларнинг ўзгариб турадиган дидига қараб қисқа давр ичида сифатли маҳсулотларни кўп турда ишлаб чиқара олиш қобилиятли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жозибадорлиги ошишига, унинг бошқа турдаги корхоналар билан рақобат қилишига имкон яратади. БМТ маълумоларига кўра, кичик бизнес дунёдаги жами ишга яроқли аҳолининг асосий қисмини иш билан таъминлайди.

Республикамизда ишчи кучи салоҳиятини ва аҳолининг табиий кўпайиш даражаси юқори эканлигини инобатга оладиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда ҳам энг мақбул воситалардан бири бўлиши табиийдир. Хусусан республикамизда 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси жами иш билан банд аҳолининг 76 фоизини қамраб олади. Республикамизда яратилган қулай шарт-шароит ва ўзининг аниқ афзалликларига қарамай, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳали республикамиз иқтисодиётида ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этганича йўқ.

3-боб бўйича хулосалар

3-боб бўйича олиб борилган тадқиқотлар қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар

таҳлили шуни кўрсатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларининг ўрни бекиёс ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни диверсификациялаш дастурининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- структура ҳосил қилувчи тармоқларни ва умуман саноатни ривожлантиришнинг иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш;

- мамлакатимиз саноат маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, республика саноати ва умуман иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткичлар ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимоотидаги роли ва ўрни юқалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни илдам ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;

- саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илм-фан ютуқлари ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш ва ҳ.к.

3. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ялпи ички маҳсулот таркибининг такомиллашиш билан бирга борди. Ўзбекистонда бозор муносабатларини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқариш таркибий тузилишини такомиллаштириш сиёсат натижасида 2000 йилга нисбатан 2014 йилда ялпи ички маҳсулотда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг улуши 14 фоиздан 24,2 фоизгача, хизмат соҳасининг улуши 37,2 фоиздан 44,2 фоизгача юксалди.

ХУЛОСА

БААда иқтисодиётни диверсификациялаш хусусиятларига бағишланган магистрлик диссертацияси натижаларини умумлаштириш куйидаги хулосаларга келиш миконини берди:

1. Диверсификация кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Уни амалга ошириш усуллари, механизми, мақсади ва вазифалари турличадир. Бу эса унинг иқтисодий мазмунини тўлиқ ифодалайдиган ягона таъриф беришни қийинлаштиради. Шундай булса-да, барча диверсификация жараёнларининг туб моҳияти бир хилдир. Корхоналар фаолияти иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техника шароитларининг кескин ўзгариши ташқи муҳитга, вазиятга мослашиш учун бошқаришга бўлган талабнинг ўзгаришига олиб келди. Жаҳон бозорларидаги кескин кураш, иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши ва техник тараққиётнинг сусайиши ишлаб чиқаришда туб ўзгаришларни амалга оширишни талаб қилди, чунки ишлаб чиқариш учун илғор техника ва технологияларни сотиб олишнинг ўзи етарли бўлмай қолди. Диверсификация капитал тўпланувининг кенг тарқалган шаклларида бирига айланиши кўп жиҳатдан айнан мана шу билан тушунтирилади.

2. таърифларни умумлаштирган ҳолда, диверсификациялашга биз куйидагича таъриф бердик: диверсификациялаш – бу бирор-бир маҳсулот ишлаб чиқаришга боғлиқликни камайтириш, капитал ресурсларини оқилона жойлаштиришни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, янги бозорларни эгаллаш ва анъанавий бозорларда мавқени мустаҳкамлаш, миқёс ва синергетик самарага эришиш мақсадида ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

3. Хориж тажрибасини ўрганиш ва миллий иқтисодиётга тадбиқ қилишда мамлакатнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари инобатга олиниши лозим. Бунда мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси, жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни, ташқи савдосининг ўзига хос жиҳатлари ва

экспорт имкониятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни диверсификациялашнинг миллий модели (стратегияси) ишлаб чиқиши лозим. Бундай хусусиятлар инобатга олинмаган ҳолда иқтисодий ислохотлар кутилаётган натижаларни бермагани ҳолда, салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.

4. БААда 2007-2014 ймлар давомида ялпи ички маҳсулот ҳажми 257 млрд. АҚШ долларидан 422 млрд. АҚШ долларигача ўсди. БААда таҳлил қилинаётган давр мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми умуман ўсиш тенденциясига эга бўлган. Фақат 2009 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўтган йилга нисбатан қисқариши кузатилади. Шу йили 2008 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми 19,2 фоизга камайиб, 254,8 млрд. долларга тушиб қолди. Бунга сабаб эса 2007 йилнинг охирида АҚШ ипотекали кредит тизимидан бошланиб кейинчалик жаҳоннинг барча мамлакатларини қамраб олган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ҳисобланади.

5. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2007-2013 йиллар давомида БАА иқтисодиётининг тармоқ таркибида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Амалга оширилаётган диверсификация сиёсатининг натижаси ўлароқ 2007 йилга нисбатан 2013 йилда нефть ва нефть маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 36 фоиздан 33 фоизгача қисқарди. Айни вақтда мамлакат иқтисодиётида кўчмас мулкнинг улуши 9 фоиздан 12 фоизга, транспортнинг улуши 7 фоиздан 9 фоизга, қурилишнинг улуши 7 фоиздан 9 фоизга ўсди.

6. Сўнгги йилларда БААда нефтдан бошқа тармоқларнинг юқори суръатларда ривожланиши кузатилмоқда. Хусусан, 2008-2014 йиллар давомида мамлакатда реэкспорт ҳажми 94,2 млрд. доллардан 164,8 млрд. долларгача, яъни 64,8 фоизга, нефтдан бошқа тармоқларнинг экспорт ҳажми 43 млрд. доллардан 114,8 млрд. долларгача, яъни 167 фоизга ўсди. Айни вақтда нефть ва нефть маҳсулотлари экспорти ҳажми 91,4 млрд.

доллардан 108,3 млрд. долларгача, яъни 18,5 фоизга ўсди, холос.

7. БААда иқтисодиётни диверсификациялаш сиёсати қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- нефть ва нефть маҳсулотлари экспортидан олинadиган даромадларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари – қурилиш, транспорт, савдо, халқаро туризм, инфратузилма тармоқларига қайта тақсимлаш ва шу орқали мамлакатда кўп тармоқли иқтисодиёт таркибини шакллантириш;

- мамлакатда бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитларни барпо этиш орқали мамлакат иқтисодиётига йирик миқдорда хорижий инвестициялар жалб этишга эришиш;

- халқаро туризм ва унинг инфратузилмасини такомиллаштириш орқали туристлар оқимини кўпайтириш. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2014 йилда туризм соҳасига хорижий инвесторлар томонидан 10,2 млрд. АҚШ доллари миқдорида капитал қўйилган бўлса, давлат бюджетидан 1,3 млрд. АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам кўрсатилган;

- транспорт соҳасини устун даражада ривожлантириш орқали йўловчи ва юк ташиш ҳажмини муттасил ошириб бориш. Бугунги кунда “Emirate Airlines” миллий авиакомпанияси 100 дан ортиқ йўналишларда қатновларни амалга оширмоқда.

8. Бирлашган Араб Амирликлари ҳудудий жиҳатдан 7 та амирликка бўлинади. Бу Абу Даби – пойтахт шаҳар, Дубай, Шарджа, Аджман, Ум Ал Кайвейн, Фуджайра, Рас Ул Хайма. Баъзи бир адабиётларда мамлакатнинг ҳудудий таҳлилида 3 қисмга бўлиб таҳлил қилинади. Бу Абу Даби, Дубай ва Шимолий Амирликлар (Шарджа, Аджман, Ум Ал Кайвайн, Фуджайра, Рас Ул Хайма).

9. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг

асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларининг ўрни бекиёс ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни диверсификациялаш дастурининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- структура ҳосил қилувчи тармоқларни ва умуман саноатни ривожлантиришнинг иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш;

- мамлакатимиз саноат маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, республика саноати ва умуман иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткичлар ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимоотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни илдам ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;

- саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илм-фан ютуқлари ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш ва ҳ.к.

10. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ялпи ички маҳсулот таркибининг такомиллашиш билан бирга борди. Ўзбекистонда бозор муносабатларини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқариш таркибий тузилишини такомиллаштириш сиёсат натижасида 2000 йилга нисбатан 2014 йилда ялпи ички маҳсулотда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг улуши 14 фоиздан 24,2 фоизгача, хизмат соҳасининг улуши 37,2 фоиздан 44,2 фоизгача юксалди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2014. - 42 б.

2. Ўзбекистон Республикаси “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил 13 июнь (ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан).

3. Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрель (ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан).

4. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 24 декабрь (ўзгартириш ва қўшимчалар билан)

1.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди фаолиятини тартибга солиш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори. 2009 йил 9 апрель.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2009 йил 23 апрель.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

7. “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ–1442–сонли Қарори

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги ««Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий”

эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори. 2009 йил 9 апрель

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2009 йил 23 апрель

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

11. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 74 б.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 269 б.

13. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 326 б.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 48 б.

15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

16. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

17. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

18. Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2012. – 56 б.

19. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва

модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.

20. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. /Халқ сўзи, 17.01.2015.

IV. Илмий адабиётлар

4.1. Монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари

21. Абзаева А.Р. Россия в мусульманском мире. Экономические и политические аспекты диалога. – М.: Ин-т экономики РАН, 2009. – 246 с.

22. Ахмадиев Р.Я. Воздействие ресурсного потенциала на социально-экономическую модернизацию арабских стран. – Казань: Изд-во Казан. ун-та, 2007. – 205 с.

23. Бирюков Е.С. Страны ССАГПЗ на мировом рынке финансовых услуг: Монография / Е.С. Бирюков. — М. : Издательство «Экономика». 2007 — 224 с.

24. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. – М., 1999. – с.158.

25. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: “Молия”. – 2010. – 328 с.

26. Вейн Пэнси, Жданов Сергей «Арабские страны в мировой экономике» Издательство: АНКИЛ, Панорама Издательский дом, 2006 г

27. Колесов В.П., Кулаков М.В. Международная экономика. – М.: ИНФРА-М, 2008.

28. Лахерере Ж. Нефть как энергоресурс: современные реалии и перспектива //Будущее нефти в качестве энергоресурса. – Абу Даби, ОАЭ: Центр стратегических исследований, 2003.

29. Немченко Г., Донецкая С. Диверсификация производства: цели и направления деятельности. – Адигей: АГУ, 2012.
30. Новицкий Е.Г.. Проблемы стратегического управления диверсифицированными корпорациями. - М.: БУКВИЦА, 2001.
31. Кунц Р. Стратегия диверсификации и успех предприятия. /Проблемы теории и практики управления. М., 1994. – №1.
32. Панасюк М.В. Экономика и внешнеэкономическая деятельность исламских стран Ближнего и Среднего Востока: Учебное пособие / М.В. Панасюк – Казань: ТГГПУ, 2008. – 192 с.
33. Симмонс Мэтью Р. Закат арабской нефти. Будущее мировой экономики/ Пер. с англ. В. Н. Горбатко. — М.: Поколение, 2007. — 496 с.
34. Хамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида таъқиқоти фаолият асослари. – Т.: «Адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001. – 328 б.

4.2. Илмий журнал ва тўпламлардаги мақолалар

35. Балаева А., Предводителя М. Сфера услуг в мировой экономике: тенденции развития //Мировая экономика и международные отношения. М.: 2007. - №3 – С.23-28.
36. Баумунг Э.В. Этапы развития диверсификации производства //Молодой ученый. – М.: 2012. – №3.
37. Бекмуратов А. Внешняя политика Республики Узбекистан в контексте экономической безопасности (методологический аспект).//Xalqaromunosabatlar. 2000, №2. - с.3-10.
38. Демидова Л. Сфера услуг в постиндустриальной экономике // Мировая экономика и международные отношения. М.: 2009. – №2. – С.24.
39. Ионов И. Инновационная сфера: состояние и перспективы. /Экономист. – М., 2009. – №10.
40. Логинов В. «К эффективности структурной перестройки промышленности». // «Экономист» №6 2012. 18-бет.

41. Каргина Г. «Диверсификация малых лесопильных предприятий как фактор повышения эффективности их деятельности». // Актуальные проблемы современной науки: Материалы научно-практ. конф.ДВФУ. – 2012.57.

42. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг долзарб масалалари: хориж тажрибаси, муамолар, истикболлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: ТошДШИ, 2012.

43. Попов В. Проф. ВШМБ «Узбекистан: уроки политики диверсификации экономики» // «Экономическа политика». Макроэкономика. №9 4.2013

44. Садыков А. «Приоритетные направления повышения конкурентоспособности экономики Узбекистана». // Материалы Форума экономистов Узбекистана.UNDP, IFMR. – Т., 2012.

45. Суюнов Д. Хизмат кўрсатиш ва сервис фаолиятини ташкил этиш масалалари // Bozor, Pul va Kredit. – Т.: 2011. – №7. – Б.64-66.

46. Филин А. «Концепции инновационного стратегического управления инвестициями на диверсифицированном предприятии». // «Экономический анализ теория и практика». - 2010. – №38. 22-bet.

4.3. Хорижий тилдаги адабиётлар

47. B. Allen “Diversification: a survey of European chief executives.” Booz, Allen and Hamilton, Inc., New York. 1985. 134-bet.

48. E. Yoshinara, A. Sakuma, K. Itami “Diversification strategy in Japanese companies” – Tokyo, Nipon Keirai, 1979.

V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

49. UNCTAD Handbook of statistics 2013. New York and Geneva 2014

50. Статистическое обозрение Узбекистана за 2013 год. Т.: 2014. – 87с.

51. Статистический ежегодник Республики Узбекистан. Т.:2014. – 371с.

52. Узбекистан в цифрах. Т.: 2014. – 152с.
53. International Trade Statistics 2013. WTO. P. 54, 70–71, 97–98.
54. Экономка Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень. Т.: 2015. – 70с.
55. 2014 Article IV Consultation — Staff Report; Press Release; And Statement by the Executive Director for the United Arab Emirates // IMF Country Report No. 14/187. July 2014.
56. Coface Press Release “UAE economy grows stronger thanks to effective diversification policy” Paris/Dubai, 29 September 2014.
57. IMD.World competitiveness Yearbook 2013. International Institute for Management Development. IMD. 2013.

VI. Интернет сайтлари

58. <http://www.wto.org> (Бутунжаҳон савдо ташкилоти)
59. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикасида влат статистика қўмитаси)
60. <http://www.cer.uz> (Иқтисодий тадқиқотлар маркази)
61. <http://www.cisstat.org>. (МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси)
62. Government of Dubai – <http://www.dubaiplan2021.ae/>
63. Gulf News – <http://gulfnews.com/business/economy/>
64. The statistic portal – <http://www.statista.com/statistics/>
65. UAE EXPO 2020 DUBAI <https://expo2020dubai.ae/en/>